



## ИЙД РАМАЗОН ТАБРИГИ



**Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим**

Азиз муслмон биродарлар, опасингиллар!

Сизларни Рамазон байрами билан чин кўнгилдан табриклаймиз. Иншоаллоҳ, бу йилги Рамазон ойи

суюкли пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек, муслмонлар учун раҳмат, мағфират ва охирадаги нажот фурсати бўлгандир. Шу билан бирга, бу йилги Рамазон ойи халқимизнинг маънавий ва ахлоқий тараққиётида муҳим ўрин тутганига ишонамиз.

Ушбу табаррук кунларда Аллоҳ таолодан мўмин-муслмонларнинг бу ойда қилгани барча тоат-ибодатларини қабул

қилишини, улар яшаётган ўлкаларда тинчлик, эркинлик ва тараққиётни насиб қилишини сўраб қоламиз.

Ийд Рамазон байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!

**ЎХХ Муассислар Мажлиси**

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЖОҲИЛЛИГИ, ЗОЛИМЛИГИ ВА ҚОТИЛЛИГИНИНГ ДАЛИЛЛАРИ

Ўзбекистон диктатори Ислом Каримов унинг шахсига сиғинадиган давлат оммавий ахборот воситалари тарафидан мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, “Юртбоши”, дунёнинг энг машхур сиёсий раҳбари ва ҳатто Ўзбекистон подшоҳи, дея макталмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## ЛАТВИЯДА TELIASONERA ВА «ЎЗБЕК ИШИ»ГА АЛОҚАДОР ТЕКШИРУВ БОШЛАНДИ

Латвия Молиявий назорат комиссияси TeliaSonera уяли алоқа ширкатининг Ўзбекистондан лицензия олиш учун Ригадаги Parex банки орқали Takilant Ltd ширкатигаўтказган пуллари бўйича текширув бошлади. Бу пул ўтказмаси 2007 йилда — TeliaSonera Ўзбекистонда фаолиятини бошлаш учункоррупцион йўл билан лицензия сотиб олгани иддао қилинган пайтда амалга оширилган.

(Давоми: 3-бетда)

## ТУРКИСТОНЛИКЛАР ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЖАМИЯТИ

Ушбу жамият Истанбулда бундан бир неча ой аввал 20 ва 21 асрларда Туркистондан хижрат этган биродарларимиз тарафидан ташкил қилинган.

Янги жамиятнинг ташкилланишида кўхна Туркистоннинг барча ҳудудларидан вакиллар иштирок этдилар. Улар орасида ўзбеклар, Онадўли турклари, козоқлар, туркманлар, тожиқлар, қирғизлар, уйғурлар, азорбойжонлар бор.

(Давоми: 3-бетда)

## ЙЎҚ ГАЗ УЧУН ЯНГИ СЌТЧИК!

Куни кеча кўчамизга Қарши шаҳар газ таъминоти бошқармаси ходимлари ташриф буюришди. Бу Қарши шаҳридаги Маҳоллот маҳалласидир. Улар аҳоли хонадонларига бирма-бир кириб чиқиб, улар билан тушунтириш ишлари ҳам олиб боришди. Сухбат давомида киш мавсумигача янги сўтчик олиб қўйишларини талаб ҳам қилишди.

“Қиш ойда газ бўладими ўзи?” — савол ташлайман энсаб қотиб.

“Йўқ, бўлмайди!” — дея кескин жавоб беради назоратчи ходим.

(Давоми: 4-бетда)

## НЕ КЎЙЛАРГА СОЛДИ, ҚАРАНГ, ТИРИКЧИЛИК

Ей дўстларим дилда дардим кўп айтмоққа, Тугма топиб қадай десам, йиртиқ ёқа, Етмиш хунар камлик қилди кун кўрмоққа, Минг кўчага бошлаб кирди йигитчилик. Не кўйларга солди, қаранг, тирикчилик.

Еллар олди кайнок ёшлик заволини, Олмасайдим орзуларнинг уволини. Жуда оғир кўтармоқ дил малолени, Яхшини ҳам ёмонни ҳам мана кўрдик, Не кўйларга солди, қаранг, тирикчилик.

Тирикчилик деб кирмадик не йўлларга, Ёмғирдан қочиб учрадик биз дўлларга, Такдиримизни топширдик ёт қўлларга, Битта эмас, ўнта эмас биз кўпчилик, Не кўйларга солди, қаранг, тирикчилик.

Мақтайверманг ҳадеб сохта кадримизни, Эрта кимдир титмасмикан қабримизни, Кимлар зимдан синамоқда сабримизни, Дўсту душман орасида совуқчилик. Не кўйларга солди, қаранг, тирикчилик.

Аввал бошқа, хозир бошқа замон деманг, Ўзни яхши бошқаларни ёмон деманг, Ор номусин сотганларни ёлғон деманг, Маҳаллийчилик бор ёки ўзбекчилик, Не кўйларга солди, қаранг, тирикчилик.

Кимларгадир кўринябмиз қувга ўхшаб, Нафсимиз деб қолаябмиз ёвга ўхшаб, Талашамиз ўрмондаги овга ўхшаб, Қайга кетди аҳду паймон шерикчилик, Не кўйларга солди, қаранг, тирикчилик.

Тингламасак ахир кўнгил нидосини, Куйган юрак берар бир кун садосини, Баъзан кийдик мунофиқлик либосини, Йўқ нарсани бор деб гапни кўпиртирдик, Не кўйларга солди, қаранг, тирикчилик.

Илмин сотди туппа-тузук юрган олим, Бир пул учун мулла бўлди ҳатто зolim, Биров жоним деб йиғлайди, биров молим, Айтинг дўстлар билмадим бу не кўргулик, Не кўйларга солди, қаранг, тирикчилик.

Қорин тўйса, паймона ҳам тўлмайдику, Сабр қилса одам ахир ўлмайдику, Бўйин товлаб бундай яшаб бўлмайдику, Турмуш асли тўрт муш экан-ўликчилик, Не кўйларга солди, қаранг, тирикчилик.

Ҳеч ким бокмас кимсан наслу насабинга, Ота чидар нодон ўғил асабига, Бундай фарзанд учрар Оллоҳ ғазабига, Илдизимиз ярми хаста, ярми чирик, Не кўйларга солди, қаранг, тирикчилик.

Нетай, ахир, тилкалар бир тиғ кўксимни, Ҳақ талашиб юз кўрмасдир оға-ини, Гуноҳкор деб айтолмайман бирор кимни Қайси юртда тер тўқади эл бизчалик, Не кўйларга солди, қаранг, тирикчилик.

Иморатлар қуриб қўйиб қават қават, Ўз онаси оч ухлайди бермас овқат, Машинаю долларларини санар фақат, Бойлигига итдек қила кўриқчилик, Не кўйларга солди, қаранг, тирикчилик.

**Асад Қайюм**

Ўзбекистон диктатори Ислон Каримов унинг шахсига сиғинадиган давлат оммавий ахборот воситалари тарафидан мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, “Юртбоши”, дунёнинг энг машхур сиёсий раҳбари ва ҳатто Ўзбекистон подшоҳи, дея макталмоқда. Аслида эса Ислон Каримов шахс ва сиёсатчи сифатида жохил ва золим бир инсон, худди Ливия собиқ диктатори Муаммар Қаддафий, Миср собиқ диктатори Хусни Муборак ёки Сурия диктатори Башшар

ҳукмрон бўлган майдонга айлантирилди. Каримовнинг ўзи бир самолёт олтинни хорижга жўнатаётганда Москвада қўлга тушди. Унинг қизлари Гулнора ва Лола ўзбекларнинг миллиардларча доллар пулларини ўғирлаб, Швецария ва бошқа давлатлар банкларида жойлаштирганлар.

Бу соҳада ЎХХнинг таклифи аҳолига иқтисодий эркинликлар бериш, кичик ва ўрта корхонларни хусусийлаштириш, тижорат, тадбиркорлик ва саёхат

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЖОҲИЛЛИГИ, ЗОЛИМЛИГИ ВА ҚОТИЛЛИГИНИНГ ДАЛИЛЛАРИ



Асад каби ўз халқини қатағон қилаётган, мамлакатни бутун соҳаларда бўҳронга дучор қилган калтафаҳм бир раҳбардир

Ушбу иддоанинг далиллари қуйидагилардир:

### Сиёсат соҳасида Каримов жоҳиллиги ва золимлигининг далиллари:

- Ўзбекистонда янги давлатчилик мафқураси ишлаб чиқилмади. Бунинг ўрнига курук сўздан иборат бўлган “Ўзбекистон келажиги буюк давлат” шиори ўртага ташланди. Аммо Каримов раҳбар бўлган деярли 25 йиллик даврда Ўзбекистон диктатура ҳукмрон бўлган, инсон ҳуқуқлари ва сиёсий эркинликлар йўқ қилинган давлатга айлантирилди.

Бу соҳада ЎХХ таклифлари халққа инсоний ҳуқуқлар ва сиёсий эркинликлар бериш, Ўзбекистон халқининг миллий, эътоқодий кадриятлари асосида инсон ҳуқуқларига амал қиладиган фуқаровий жамият тузишдан иборатдир.

### Иқтисод соҳасида Каримов жоҳиллиги ва золимлигининг далиллари:

-Мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт модели ишлаб чиқилмади. Бунинг ўрнига совет давридаги маъмурий буйруқбозлик тизими сақланиб қолди. Нагигада Ўзбекистон бугун киши бошига ЯИМ(Ялпи Ички Маҳсулот) да 1700 доллар кўрсаткич билан иқтисодий тараққиёт бўйича дунёнинг энг қолақ давлатлари ичида 134- ўринни эгалламоқда.

-Мамлакат порахўрлар ва ўғрилар

эркинлиги таъминлашдан, порахўрликка қарши қатъий тарзда курашишдан иборатдир.

### Ҳуқуқ соҳасида Каримов жоҳиллиги ва золимлигининг далиллари:

-Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари кўпол паймол қилинаётгани бутун дунё жамоатчилиги тарафидан эътироф қилинган ҳақиқатдир. Инсонларнинг сўз ва фикр эркинлиги, сиёсий ва эътиқодий эркинликлари, матбуот эркинлиги, сиёсий ва жа-

моат ташкилотлари тузиш, сайлаш ва сайланиш эркинлиги, тинч намоийшлар ўтказиш эркинликлари йўқ қилинган.

ЎХХ нинг бу соҳадаги таклифи халқимизни инсон ҳуқуқлари ва бу эркинликлар билан таъминлашдан иборатдир.

### Маданий – маърифий соҳада Каримов жоҳиллиги ва золимлигининг далиллари:

-Ўзбекистонда таълим ислохоти амалга оширилмади, аксинча мактаблар таълим ва тарбия масканлари эмас, тарбиясизлик масканларига, ўрта ва олий мактаблар эса порахўрлик ва жоҳиллик марказларига айлантирилди.

ЎХХ бу соҳадаги таклифи ҳақиқий мактаб ислохотини амалга ошириш, мактабларда дунёвий ва маънавий илмларни биргаликда ўқитишдан иборатдир.

### Маданият ва маънавият соҳасида Каримов жоҳиллиги ва золимлигининг далиллари:

-Ижод, санъат ва адабиётда қаттиқ цензура ўрнатилгани учун бу соҳа ахилларининг истеъдодлари ва қобилиятлари йўққа чиқарилди.

Шунинг учун ҳам мустақилликдан кейин Ўзбекистонда адабиёт, санъат ва маданият соҳаларида кўзга кўринарли бирор асар яратилмади. Ижод аҳли камситилди, хўрланди ва мамлакат ҳаётидан четга улоқтирилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг энг машхур “санъатчиси, кўшиқчиси ва шоириси” (Викелик хужжатларига кўра аслида бутун Ўзбекистон халқи ундан нафрат қилади) Ислон Каримовнинг қатта қизи Гулнора Каримовадир.

ЎХХнинг бу соҳадаги таклифлари адабиёт ва санъат аҳлига эркинликлар бериш ва уларни халқимиз маънавиятига ярашадиган асарлар ижод қилиши учун рағбатлантиришдан иборатдир.

### Ислон Каримовнинг золимлиги ва қотиллигининг далиллари:

-2005 йилда Андижонда тинч намоийшга чиққан уч мингга яқин киши қатл қилинди.

-1999 йилда Тошкентда ҳукумат назоратида уюштирилган портлашларда ўнларча киши ўлдирилди ва юзларча киши жароҳатланди.

- 2007 йилда ўзбек муҳолифати билан ҳамкорлик қилган Ошлик йигит Алишер Соипов отиб ўлдирлди.

-2011 йилда ЎХХ нинг Русиядаги вакили Фуад Шокирий отиб ўлдирилди

-2012 йилда Швецияда машхур ўзбек имоми Обидхон қори Назаров отиб кетилди ва ҳозир қомада ётибди.

-Мустақилликнинг илк йилларида таниқли уламолар Абдулла Ўтаев ва Абдували қорилар ўғирлаб кетилди ва уларнинг тақдири номаълум бўлиб қолмоқда.

-Ўзбекистон мустақиллик бўлгандан кейинги 22 йил давомида юз мингларча киши сиёсий ва диний қарашлари учун қамоққа ташланди, ваҳшийларча қийноққа солинди, ўлдирилди. Уларнинг аниқ сони ва рўйхати ҳозирча номаълумдигича қолмоқда. Расмий манбаларда Ўзбекистонда 18000 сиёсий маҳбус борлиги айтилади.

-Сиёсий ва диний маҳбуслар учун алоҳида “Жаслик” концлагери қурилган ва у ерда маҳбуслар ваҳшийларча қийноққа солиниши ҳужжатлар билан исботланган.

ЎХХ жамият ва давлат ҳаётида қонунлар ва ҳуқуқнинг устунлиги тарафдоридир. Қонунларни бузганлар адолатли маҳкамаларда суд қилинади ва қилган жиноятларига кўра жазолантирилади. Инсонлар фикрлари, сиёсий қарашлари ва эътиқодлари учун таъқиб қилинмайдилар.

Ушбу далиллар диктатор Ислон Каримов ва оиласининг Ўзбекистон халқининг душмани эканлигини очик-ойдин кўрсатмоқдадир. Ушбу жиноятларни амалга оширишда Ислон Каримовга Ўзбекистон Олий Мажлиси (Сенат раиси Илгизар Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Тошмухамедова Дилором), Бош Вазир Шавкат Мирзиёев, Бош вазир ўринбосари Рустам Аъзимов, МХХ Раиси Рустам Иноят, Ички Ишлар Вазир Баҳодир Маглубов, Республика Бош Прокурори Рошид Қодиров, Олий Суд Раиси Бўритош Мустафоев, вилоят ҳокимлари, вилоятлардаги МХХ, Ички ишлар бўлимлари ва Прокуратура ходимлари ёрдам бермоқдалар.

Биз бутун аъзоларимизни ва тарафдорларимизни ушбу ҳақиқатларни бевосита ҳамда интернет тармоқлари орқали халқимизга етказишга даъват қиламиз. Бу билан сиз Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг Эркинлик, Адолат ва Тараққиёт йўлидаги курашига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

ЎХХ Тарғибот Бўлими

## ЛАТВИЯДА TELIASONERA ВА «ЎЗБЕК ИШИ»ГА АЛОҚАДОР ТЕКШИРУВ БОШЛАНДИ

Латвия Молиявий назорат комиссияси TeliaSonera уяли алоқа ширкатининг Ўзбекистондан лицензия олиш учун Ригадаги Parex банки орқали Takilant Ltd ширкатига ўтказган пуллари бўйича текширув бошлади. Бу пул ўтказмаси 2007 йилда — TeliaSonera Ўзбекистонда фаолиятини бошлаш учун коррупцион йўл билан лицензия сотиб олгани иддао қилинган пайтда амалга оширилган.

Латвиянинг Молиявий назорат комиссияси — FCMC мамлакатдаги иккинчи йирик банк саналган Parex банкнинг 2007 йилда амалга оширган пул ўтказмаларини текширишга киришди.

Бу банк номи Швециядаги TeliaSonera ширкати ва унинг Ўзбекистон президенти кизи Гулнора Каримовага қарашли экани иддао қилинган Takilant Ltd. фирмаси билан ноқнуний пул ўтказмаларига оид текширувларда тилга олинган.

FCMC матбуот вакили Мария Макаревица текширув Parex банкидаги ҳисобга TeliaSonera ширкати томонидан амалга оширилган пул ўтказмаларига оид шубҳалар ортидан бошланганини тасдиқлади.

- Бу Швецияда ўзбек мобил ширкатига ўтказилган маблағлар юзасидан олиб борилаётган суриштирувларнинг бир қисми. Parex бўйича текширув жараёни энди бошланди, натижалар ҳақида

ҳозирча гапиришга эрта, - деди Макаревица Озодлик билан суҳбатда.

Ўтган йили Швециянинг SVT телеканали журналистлари текширув ўтказиб, TeliaSonera ширкати олти йил аввал Ўзбекистонда лицензия олиш учун Гибралтардаги Takilant Ltd ширкатига 2 миллиард 200 миллион швед крони ёки 320 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағни тўлаганини аниқлаган ва бу пуллarning пора сифатида тўланганини иддао қилган эди.

Бу ширкатнинг эса Ўзбекистон президентининг кизи Гулнора Каримовага алоқадор экани иддао қилинади.

Журналистлар аниқлаган бу маълумотлар ортидан Швеция прокуратураси Скандинавия ярим оролидаги энг йирик телекоммунация ширкати саналган TeliaSonera ширкатининг Ўзбекистондаги фаолияти юзасидан тергов бошлаган.

Бу иш юзасидан TeliaSonera сўрови билан текширув ўтказган Швециядаги Mannheimer Swartling юридик ширкати эса маблағлар Гибралтардаги Takilant Ltd ширкатининг Nordea ва Parex банкидаги ҳисобларига ўтказилганини аниқлаган.

Натижада, Takilant Ltd. фирмасининг Nordea банкидаги активлари Швеция прокуратураси томонидан пора олиш ва пул ювиш жиноятига алоқадорликка оид



тергов доирасида музлатиб қўйилган эди.

Бундан ташқари, Швеция ҳукумати қошидаги Молиявий назорат идораси пул ювиш жиноятига қарши етарли чора қўрмагани ва ўз мижози бўлган Takilant Ltd. ҳисоб рақамига тушаётган пул манбасини етарлича ўрганмагани учун Nordea банкига 30 миллион швед кронаси миқдорида жарима ҳам солган эди.

Аммо Takilant Ltd. фирмасининг Ригадаги Parex банкида очилган ҳисоб рақамлари дахлсиз қолаётган эди.

Зеро, сўнгги йилларда айнан Латвия собиқ совет ўлкалари учун молиявий оффшор ҳудудга айланган давлатлардан бири сифатида эътироф қилиб келинмоқда.

2004 йилда Европа Иттифоқига аъзо бўлган, 2014 йилнинг 1 январидан Евро ҳудудига кириши кутилаётган Латвия ҳукумати расмийлари эса бу иддаоларни рад этмоқда.

ozodlik

## ТАНИШИНГ: ТУРКИСТОНЛИКЛАР ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЖАМИЯТИ



Ифтор Истанбулнинг энг қадим масканларидан Еминону мавқеида бўлиб ўтди. Унда 400 га яқин меҳмонлар иштирок этдилар

Ифтор кечаси Қуръони Карим тиловати билан бошланди. Шундан кейин оғизлар очилиб, шом намози жамоат ҳолида ўқилди.

Меҳмонларга Онадўли туркларининг энг машҳур маржimak шўрваси ва ўзбек палови икром қилинди.

Туркистонликларнинг янги жамиятини танитадиган қисқа видеофильм намойиш қилинди.

Шундан кейин янги жамият Раиси Бурҳон Қовунчи, Раис ўринбосари Др. Намоз Нормўмин ва Бошқарув хайъати аъзоси Олим Чатқоллар сўзга чиқиб, янги жамиятнинг вазифалари, Туркистоннинг тарихи ва Туркистонликларнинг ўзаро биродарликлари ва ҳамкорликлари ҳақида гапирдилар.

Ифтор кечаси Туркистонликлар ва дунё мусулмонларининг ҳақиқига дуо қилиш билан якунланди.

ЎХХ сайти муҳбири

## СОВИМАСИН ҚЎЛДА ЧОЙЛАРИНГ, ЎЗБЕК.



Манглайга кафт қўйиб, олисга боксам, Юксалиб кўринар бўйларинг, ўзбек. Туш каби жимирлаб минг йил оқса ҳам, Номинг айтар қадим сойларинг, ўзбек.

Исмингни айириб кечди асрлар, Хонлики бекликка бўлган не сирлар. Кентларга сочилган ўрда, қасрлар. Кумдан қорилганми лойларинг, ўзбек.

Гар қўзғалса, элни тўхтатиб бўлмас, Сел қўзғалса ерни тўхтатиб бўлмас, Занжир узган қулни тўхтатиб бўлмас, Тиғ бўлди ҳар битта мўйларинг, ўзбек.

Бўйингдан кетган йўқ ҳали дор изи, Қўй, қора кунларнинг ўчсин қораси!; Сен борсан – Темурнинг улуғ вориси, Осмонингга қайтди ойлариңг, ўзбек.

Қўлингни кўзимга сурай, отажон, Ёнингда ул бўлиб юрай, отажон, Яхши кунларингни кўрай, отажон, Совимасин қўлда чойларинг, ўзбек.

Шавкат Раҳмон

Ушбу жамият Истанбулда бундан бир неча ой аввал 20 ва 21 асрларда Туркистондан ҳижрат этган биродарларимиз тарафидан ташкил қилинган.

Янги жамиятнинг ташкилланишида кўхна Туркистоннинг барча ҳудудларидан вакиллар иштирок этдилар. Улар орасида ўзбеклар, Онадўли турклар, қозоқлар, туркманлар, тожиклар, қирғизлар, уйғурлар, азорбойжонлар бор.

Янги жамият муборак рамазон ойида ўз сафдошларига ва мусулмон турк қавмларини тамсил қиладиган бошқа жамоатчилик ташкилотлари вакилларига бир ифтор берди.

Куни кеча кўчамизга Қарши шаҳар газ таъминоти бошқармаси ходимлари ташриф буюришди. Бу Қарши шаҳридаги Маҳоллот маҳалласидир. Улар аҳоли хонадонларига бирма-бир кириб чиқиб, улар билан тушунтириш ишлари ҳам олиб боришди. Сўхбат давомида қиш мавсумигача янги счётик олиб қўйишларини талаб ҳам қилишди.

“Қиш ойида газ бўладими ўзи?” — савол ташлайман энсаб қотиб.

“Йуқ, бўлмайди!” — дея кескин жавоб беради назоратчи ходим.



## ЙЎҚ ГАЗ УЧУН ЯНГИ СЧЁТИК!

“Нега?”- деган саволимга эса назоратчимизнинг ўзи ҳам тушунтириб жавоб айта олмади.

Қизиқ, газнинг ўзи бўлмаса, бу “ордона қолгур счётикнинг” нима кераги бор экан? Аҳоли ёзи билан ўтин йиғадиган бўлиб қолди. Уйлар исимай қолганига ҳам анча йиллар бўлган бўлса-да, аммо газ пули учун тўлов муттасил талаб қилинади ва йиғиб олинади.

“Энди синглим, бу давлатнимизнинг сиёсати. Бунга қарши бир нима дея олмаймиз”, —деб масалага ойдинлик киритди у.

“Бу давлат сиёсати эмас, қандайдир бир “бойваччанинг” ёки казо-казолардан бирининг четдан пул қилиш мақсадида олиб келган счётигини пуллаб беришга ўхшаб кетмаяптими? Бу счётикни ўтказиб бергани учун “шапкасини” ҳам олдиндан беришгандир?”- росмана жаҳлим чиқа бошлади.

Ўзбекистонда бу каби амалиётлар қўлланилиши ҳақида эл орасида гап сўзлар юради албатта, гарчи бунинг аниқ тасдиғи бўлмаса-да.

Хойнаҳой, орадан бир йил ўтиб аҳоли ўз пулига сотиб олишга мажбур бу счётиклар тагин йиғиб олиниши, ёки техник назоратдан ўтказилмагани боис, унинг “ишламай қолганини” баҳона қилиб, йўқ газга пул йиғиб олишлари ҳам мумкин. Чунки эл бу назоратчилар эртага нима баҳонани кўтариб қилишларини билмайди.

“Қайдам, 2004 йил Ҳамидов вилоятда ҳоким бўлган даврида ҳам шунақа счётиклар шартнома асосида аҳолига тарқатилган эди,”- дейди ходим. Бироқ бунақа газ ҳисобини оладиган ҳисоблаш мосламаларининг кимга, нима учун керак эканлигини чамаси, ўзи ҳам билмайдиган эди. Унинг билдирганига кўра, бу счётикларнинг баҳоси 115 минг сўм бўлиб, бозорларда сотиларкан. Демак, одамлар истайдими, ёки йўқ, имкони борми, ёки йўқ — булардан қатъи назар, харид қилишга мажбур қилинади.

“Эскинисини Горгаз қайтариб олиб, пулимизни берсин, биз янгисини албатта олиб ўрнатамиз,” — ваъда қилдим.

“Нима дейишга ҳам ҳайронман” — елкасини қисади назоратчи. Ҳақиқатан ҳам у нима дейишини ҳам билмайди. Одатда, бунақа назоратчилар ҳам худди ҳарбийлардек юқоридан келган буйруқни бажаришга одатланишган.

Агар у аҳоли муаммосини, ёки имкониятларини юқорига кўтариб чиқса борми, унда ишидан айрилиб қолади.

Ҳар сафар ҳоким алмашганида шунақа тартибда янги счётиклар мажбурий сотилса, бордию бир йилда икки марта ҳоким алмашиб қолса, унда аҳолини ҳолига фақат маймунлар йиғларди. Буёғи қандоқ бўлди, эски счётикка қиш мавсумида газ топиб бера олмайдиган шаҳар газ

таъминоти ҳали мойи кетмаган янги счётикга газ топиб бера олармикан? “Қишда барибир газ бўлмайди” — деган назоратчимизни гапи қаерда қолди энди? Мана бу сизга, тагин бизга ҳам янги жумбоқ: “изла, ўйла, топ”.

Счётик қўйилгач аҳолига умумий тариф бўйича газ ёзишаётганлари нимаси энди? Демак, шаҳар бедарвоза бўлиб қолган, аммо ундан фақат аҳоли пулини оладиганлар киришмоқда холос.

Жорий йилда бир гуруҳ Қарши шаҳар газ таъминоти бошқармаси бошлиғи ва ходимлари қамалганлари бежиз эмас экан деган тахминга ҳам бордим. Бу масалага ойдинлик киритишини “Трансгаз” вазирдан сўраб билсакмикан? Балки бу янги счётикни бошида айнан вазир жаноблари тургандир? Бу каби саволлар ҳозирда нафақат мени, қаршиликларнинг ҳаммасини, балки бутун Ўзбекистон аҳлини қизиқтираётгандир.

Яна бир ажабланарли томони шундаки, “юқоридан олиб борилаётган сиёсат шундай” экан. Газ ҳисоблагич мосламанинг сиёсатга нима алоқаси бор дея энсангиз қотади. Табиий бойлигимиз бўлган газни қиш мавсумида аҳолига қасддан бермаслиғи, ёки ишлатилмаган газ учун тўлов талаб қилишлари — бу давлат сиёсатига кирармикан?

Нега энди халқ газ талаб қилса унинг талаби қонидирилмайдию, шаҳар газ идораси талаби қондирилиши шарт?

Ҳеч қайси давлатда атайлаб халқни талашмаса керак. Тараққий этган Европа мамлакатларини оладиган бўлса, уларда инсон ҳуқуқлари жуда ҳам қадрланади. Биздачи инсон ҳуқуқлари бир пулга қиммат эканлигини англаб олиш ҳам қийин эмас.

Ҳатоки оддий ижтимоий ҳаётда ҳам оддий истеъмолчини йўқ хизматлар учун, йўқ газ ва гоҳида сув учун ҳам пул тўлатиб олишдан қайтмайдилар. Қачонгача бу ҳолат давом этаркин?

Гулшан Қораева

## ЁЗИМ ТУГАМАСДАН, ҚИШИМ БОШЛАНДИ

Ёзим тугамасдан қишим бошланди,  
Кулиб улгурмасдан кўзим ёшланди.  
Яшнаган боғларни қоплади қорлар,  
Оламни қувончин қоплади зорлар.  
Порлаган куёшни булутлар тўсди,  
Дунёда гуллармас, тиконлар ўсди.  
Тиконлар танамни тилиб азоблар,  
Холимни танг қилди зolim қазоблар.  
Уриб, ҳақоратлаб, обдон тепишди,  
Танамдан қон оқса тузлар сепишди.  
Гоҳида тўхтатарди юрак уришдан,  
Шунда йиқилардим кетардим хушдан.

Шаҳид кетмоқликка имкон бермасдан,  
Ўлим ҳам зор қилди келавермасдан.  
Жоним халқумга келганда ҳар он,  
Кетишни истардим мен

Роббим томон.

Юрак яна урмоқда тирикман ҳамон,  
Оилам учундир, қолганман омон.  
Ё буюк ишларга сақлади Аллоҳ,  
Ёки менда кўпдир нуқсону гуноҳ.  
Мени чорлаганда такбиру азон,  
Намозга шошилай бўлмасин армон.  
Тавба-тазарруга бордир имконим,  
Холис амал қилиш шудир ихтиёрим.  
Бошим эгиб Аллоҳга саждалар қилай,  
Гуноҳим кечир деб, нолалар қилай.  
Савоб ишлар қилиш урфу одатим,  
Аллоҳ рози бўлса менинг саодатим.

Мусулмон дуо қил очиб қўлингни,  
Аллоҳ осон қилсин жаннат йўлингни.  
Неки ният қилсанг ниятингга ет,  
Иймон билан келдинг,

иймон билан кет.

[odnoklassniki.ru/karimovket](http://odnoklassniki.ru/karimovket)



Бир ойга якин вақт қолди, тагин Ўзбекистонда истиқлол байрами тантаналари бўлиб ўтади. Республика мустақиллиги куни муҳим сиёсий байрамлардан бири саналсада, аммо у кўнгилочар концерт дастурлари билан ўтказилинадиган байрамга айланиб қолган. Мустақиллик кунида парадлар ўтказилмайди, Совет давридаги Октябрь инқилоби байрами каби, халқ намоишлари ҳам бўлмайди. Пойтахтда ва вилоятларнинг маъмурий марказларида милиция қуршови орасида кириб олган бир гуруҳ ҳокиму-ҳукамолар концерт томошо қилишади холос.

## ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ: СОЦИАЛИЗМДАН ИБТИДОЙ ЖАМОА ДАВРИГА!

Эл ҳам бунга одатланиб бўлган ва бу байрамнинг унга мутлоқ алоқаси йўқлигини ҳам тушуниб етган. Шундай бўлсада, ўша ҳокиму-ҳукамолар бу байрамни элнинг байрами дея жағиришдан ҳам тойишмайди.

Бу мустақиллик Ўзбекистон халқига нима берди? Ушбу савол ҳозирда аксар кўпчиликнинг бошида айланаётган бўлса керак. Жавоб ҳам аниқ: мутлоқ ҳеч нарса! Ҳар неки, яхшиликка томон олиб қараганимизда — мутлоқ ҳеч нарса. Мустақилликнинг ёмонликлари эса бисёр бўлди. Бу давр ичида ватанимиз қамқоқоналар мамлакатига айланди, халқимиз мардикор бўлди, ватангадо бўлди, хор бўлди ва зор бўлди. Ишсизлик Ўзбекистонда юқори кўрсаткични эгаллади. Илм-маърифат таназзулга юз тутди, порахўрлик гуллаб яшнади. Ва энди Ватанимиз бўлган Ўзбекистон дунёнинг энг порахўр мамлакатларидан бирига айланган. Бу мустақилликнинг “шарофати”. Бу шарофат ила мамлакат ахли диктатура зулми остида ҳам қолди!

Балки бу кўргуликлар поёнига етмоқчидир. Масалан, 2015 йилда Ўзбекистон президенти “тахтига” янги ҳукмдор ва у билан бирга янги ҳукумат келадигандай. Бу машъум воқеа 2015 йилда содир бўлиши айтилаётган бўлсада, аммо қай санада амалга ошиши ҳозирча ноаниқ. Лекин айнан ким президент бўлишига биров шубҳа қилаётгани йўқ. Ўзбекистонда аёл президент бўладиган.

Бу Ўзбекистон учун ҳам, Ислом олами мамлакатлари учун ҳам қатта бир янгилик бўлади. Аҳолисининг 98 фоизи мусулмон бўлган юртда биринчи бор аёл киши президент бўлса (?). Албатта бу “ижобий” кечинма Республикаимизнинг демократлашиб кетганлиги, ёки унда аёлларга алоҳида ғамхўрлик, эҳтиромлар кўрсатилаётганлиги билан эмас, шунчаки, ҳукмдоримизнинг ўғли йўқлиги билан боғлиқдир. Лекин Ўзбекистон омавий ахборот воситалари эса ўша дамга бориб, айнан биз юқорида келтирганимизни карнай қилиб чалиши аниқ.

Бунда «карнай-сурнайлар» овозидан қулоқларимиз баган бўлиб, диктатура тизимининг умрини кам деганда, яна эллик йил муддатга чўзиб ҳам берамиз. Шу билан тугрмикан? Йўқ

албатта! Хали бу “маликаимизнинг” “мен ҳам президент бўламан” деб навбат кутаётган ўз ўғли бор. Қолаверса ҳукмдоримизнинг яна бир кизи бор ва унинг болалари ҳам тахтга келиш нияти билан яшашмоқда. Хуллас, ўша башорат қилаётганмиз, эллик йилдан сўнг ҳам диктатура янада чўзилиб боравераркан. Мустақилликнинг илк йилларида башорат қилинган “буюк келажакда” ҳам зулм давом этади ва миллат хорлигича қолаверади.

Совет даври латифаларидан бирини эслаб ўтсак. Армия генерали ўғлини эркалатаётган экан:



“Ўғилгинам, қатта бўлсанг генерал бўласан”. Шунда ўғил таажубланиб, айтди: “Йўқ, мен маршал бўламан”. Генерал бошини сарак-сарак қилиб айтди: “Йўқ, сен генерал бўласан. Маршалнинг эса ўз ўғли бор”. Бизда ҳам ҳаёт, жамият, аниқроғи ҳукумат ҳаёти айна шу тарздадир.

Мустақиллик мамлакат халқига жуда қимматга тушди. 1991 йилда Ислом Абдуғаниевич Республика мустақиллигига тиш тирноғи билан қарши туриб берган бўлсада, аммо республикага мустақиллик барибир келди. Афтидан, президентимиз адашган экан. Мустақиллик яхши экан, айниқнинг унинг ўзи, қизлари ва бошқа уруғ-аймоғи учун. Масалан, истиқлол сабаб, у Ўзбекистоннинг барча табиий бойликларига, ҳамда ўлда-жўлда бўлсин, Совет давридан қолган саноатига ҳам эга бўлиб олди. Боз устига, коррупция деган балони буткул жиноят составидан чиқариб ташлаш учун ҳам кенг имкониятлар очилди. Совет даврида бундай имкониятларни бормиди? Йўқ!

Илгарилари Ўзбекистонни Москва назорат қилган бўлса, эндиликда назорат йўқ. Биров мушугини “пиш” демайди ва ер қуррасининг истаган жойидан кўнгли тусаган қасрларни ҳам сотиб олиши мумкин. Мулоимхўжа халқимиз эса президентимиз “гаҳ” деса, унинг қўлига қўнишга тайёр. Қизлари, куёви ва набиралари ҳам дунёга сигмай қолишиди. Буларнинг барчаси мустақилликнинг меваси бўлди ва бу мевани фақат улар, қаримовлар сулоласи ейди холос. Қандайдир ортиб қолган олқинди-

солқиндилар ҳам бор, уларни эса мана шу клан хизматида юрганлар емоқда.

Шу кунларда Ўзбекистон халқи челақ кўтариб кўчама кўча юриб сув излайди. Сўнги даврларда туғилган ўзбек болалари қачонлардир хонадонлардаги қранлардан иссиқ ва совуқ сув оққанлигини, уйларида табиий газ ёнганлигини бо-боларидан, момоларидан эшитишган холос. Электр ҳам «ёнди чирок, ўчди чирок» бўлиб қолган. Қишдаку бу чироклар нарисы билан пишган помидорга ўхшаб қизариб туради холос. Ўша бобо ва момолар қиш фасларида уйлари тугин бурсиктирадиган чўян печкалар билан эмас, балки иссиқ сувда ишлайдиган иститиш батерейлари билан иситганлариничи? Булар ҳам энди ўтмиш ва етиб бўлмас орзуга ҳам айланиб бўлди.

Мустақиллик даври ёшлари қачонлардир шаҳарларимиз кўчаларида ичимлик суви фавворачалари (русчасида питьевой фонтанчик) бўлганлигини ва ўткинчилар шунчаки бироз энгашиб ундан чанқоқларини қондириб кетаверганларини ҳам ўша боболардан эшитиб била олишлари мумкин. Ўша Совет даврида ўзбеклар пул топиш учун Россияга мардикорликка кетиб қолмасдан, баъзилар шундоққина ўз уйлари ёнида иш топа олганлари ва тушликни уйга келиб еганлари ҳам эндиликда ўша қатта ёшдагиларнинг фақат тушларига кириши мумкин. Мустақилликдан элга теккани шу бўлди!

Аммо бу мустақиллик келтирган бахтни қарангки, президентимизнинг қизлари гул бўлиб, булбул бўлиб яшашмоқда. Куёвичи, куёвини айтмай-сизми. Бир бирдан ширин набираларини айтгин. Хуллас, мустақиллик уларга бахт бўлган бўлса, элга у қулфат бўлди.

Ўтган ойда президентимизнинг қизи Лола Каримова-Тиллаева АҚШ нинг Калифорния штатида, Беверли Хиллзда «Le Palais» қасрини сотиб олганлиги ҳақида хабар тарқалиб қолди. Бу навбатдаги қаср эканлигини эслатиб ўтишимиз шарт эмасдир. Бунинг учун аввалроқ айтилганидек 58 миллион АҚШ доллари эмас, балки 32 миллион 750 минг АҚШ доллари тўлаган экан. Илгарироқ бу қасрнинг нархини айтишганда жуда ошириб юборишганлари маълум бўлди. Ўзи бор йўғи 32 миллион 750 минг АҚШ доллари экан-ку, шунга ҳам шов-шувми? Фанцияда эса полиция эса Гулнора Каримованинг уйини, аниқроғи қасрини тинтиб юрибди. Қизик, булар нима учун Ғарб мамлакатларида ўзларига қасрлар харид қилишмоқда ва бундан қўзланган мақсадлари нима бўлиши мумкин?

Бу эҳтиёт чораси! Агар Ўзбекистонда ҳам бирор инқилоб содир бўлгудек бўлса улар ўша ёқларга кўчиб бориб жойлашиб олишади ва Ғарб мамлакатлари Ўзбекистонда жиноят содир этганларни жазоламайди. Яъни, асосан АҚШ ва Исроилнинг марҳамати остида яшаб келатган диктатура режими “зодагонлари” учун Ғарбнинг эшиклари ланг очик.

Бундан хулоса ясайдиган бўлсак, Ғарб ҳукуматлари демократия ва инсон ҳуқуқлари ҳақида фақат сафсата сотаяпти.

(Давоми кейинги саҳифада)

## ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ: СОЦИАЛИЗМДАН ИБТИДОЙ ЖАМОА ДАВРИГА!

(Давоми Боши олинги саҳифада)

Аслида улар ўша диктаторларнинг режимлари остига пойандоз бўлишга ҳам тайёрдилар. Бундан бошқа хулосага келиб бўлмайди!

Мустақиллик ўзбеклар учун келтирган энг катта кулафатлардан бири эса, унинг ўз иттифоқчиларига эга бўла олмай қолгани бўлди. Режим иттифоқчилари албатта бор, лекин ўзбекларнинг иттифоқчилари йўқ. Ўзбекларни дунёнинг турли бурчакларида мардикорлик қилиб юрган ҳолатида кўрадиган бўлиб қолдик. Тўғри, баъзи ўзига тўқ савдогарлар ҳам топилади, лекин улардан на Ўзбекистонга ва миллатга бирор наф тегмапти. Бордию, ўша савдогарларимиз томонидан Ўзбекистонга бирор “наф” бориб қолгудек бўлганида ҳам унинг ўз “эгаси” бўлади албатта. “Ким?” — дерсиз? Тагин ўша ўзимиз билган режим, ўзимиз билган ҳукмдор ва унинг эрка кизлари, хизматкорлари. Хуллас, қаро халқни хўрлашда хизмат кўрсатаётган кимсаки бор, уларнинг ҳаммаси ўша нафни “ўзиники” қилиб олишига барча имкониятлар яратилган.

Биз фақат ҳукуматни, унинг раҳбарини айблашга жуда ўрганиб қолдик. Айб фақат уларда эканми? Пайғамбаримиз Муҳаммад саълоллоҳи аълайҳи вассаламдан бизгача етиб келган кўплаб ҳадисларнинг бирида айтилганига кўра, қавмда тарозига хиёнат авж олса унинг бошига қашшоқлик ва турли офатлар келаркан. Ўзбекистонимиз та-

розига хиёнат қилмайдими? Нафақат тарозида, ҳаттоки иймону эътиқодларда ҳам хиёнатларни кузатамиз. Ўзбекнинг биринчи душмани сифатида ўзбекнинг ўзини кўришимиз ҳам мумкин. Лафз анқонинг уруғига айланди. Эътибор қилинга, динимиз бўлган Ислоҳда одамлар бир бирларини алдамасликлари кераклиги уқдирилади. Лекин бунга амал қани? Ҳаттоки ўша диний эътиқодни байроқ қилиб кўтариб олганлар орасида ҳам хиёнаткорлар кўплаб топилади.

Юртимиз шунақа юртки, унда масқаромуз тарзда ҳаёт кечади, масқаромуз тарзда ҳукумат алмашади ва масқаромуз тарзда халқнинг осойишта, хушбахт яшаётгани ҳақида лавҳалар ёритилади. Ўша масқарабозлик билан давлатимиз эришаётган улкан зафарлар ҳақида ҳам лоф-қоф тўқиб тарқатилади. Халқимиз ўзига нисбатан айни мана шундай муносабат қилишларига арзийдиган халқдир! Ахир айтадиларку: “қарс икки қўлдан чиқади”.

Умуман олганда, ватанимиздаги президент бошқарувини расман бекор қилинса ҳам бўларди. Масалан, монархияга ўтилса ва ҳукумат, Ватан ва халқимиз шундоққина қаримовлар сулоласи ихтиёрига топширилса. Шунга кўра, мамлакат номини ҳам ўзгартириш керак бўларди. Масалан, мана бу тарзда: “Қаримовлар Ўзбекистони”! Худди Саудлар Арабистони каби подшоҳлик бўлади унда. Бордию шундай қилинса, миллат ва халқ “миқ” этмай уни қабул қилади.

Агар шундай қилинса, сохта сайловлар ўтказиб президент “сайлаш” муаммосидан ҳам қутилиб кетиш мумкин бўларди.

Ўзбекистонни халқаро шармандалиқлардан қутқариш учун эса порахўрликни легаллаштирилса нур устига аъло нур «бўларди». Ҳозирча порахўрлик расман жинойят ҳисобланади, аслида эса порахўрлар муттасил рағбатлантирилади. Бундан ташқари Ўзбекистонда кулдорликни ҳам расман йўлга қўйиш керакдай. Масалан, Фалончи расмий тарзда Писмадончининг қули бўлса. Яъни унинг мулки! Истаганида бошқа бировга сотиши мумкин бўлсин, истаганида ўлдириб юборсин. Норасман ахир айни шундайку. Нолегал муаммоларни легаллаштирилса муаммо тугаб кетади. «Бизда қонунлар шундай!» дейилади, шу билан тамом, вассалом бўлади. Агар биз пичинг билан келтираётганимиз, бу “таклифлар” ростақамига Ўзбекистонга жорий этилса ҳам халқимиз бунга мутлоқ монелик қилмайдиган халқдир. Ҳамма нарса Худодан деб сукут билан жавоб беради холос. 1991 йилда Совет давлатидан ажралиб чиқиб ўзбек мустақил давлатини қураимиз дея кимлар аҳд қилдию, кимлар курашдию, унинг роҳатини кимлар кўрмоқда. Бу мустақиллик на ватаннинг ва на элнинг мустақиллиги бўлмади. Орадан 22 йил ўтди. Бутун дунёда инсоният ибтидоий жамо давридан бери тарқаккий этишда давом этмоқда, биз аксинча, собиқ Совет даври социализмидан ўша қадимий ўтмиш бўлган ибтидоий жамо даврига томон кетаётганга ўхшаймиз.

Тўлқин Қорасев

## ХАЛОВАТИ ЙЎҚ ЮРТНИНГ ТИНЧЛИГИ ТИНЧЛИК ДЕЙИЛМАЙДИ

Адолатни талаб қилиш билан биз давлатимизга ёки раҳбаримизнинг тактикасига нисбатан муҳолифга айланамиз. Юртимизда ўзини режим муҳолифи ҳисоблайдиган қатламлар бисёр. Уларда сиёсий тактик фикр нормал эмас деб ҳисобласак бундан улардаги журъатийликни баҳолай оламиз.

Тинчлик тушунчаси бу умумий яқдил ифода эмас. Бу ходисанинг таърифоти Халқ ичида бир ифодани мужассам этса, иқтидордаги бошқарув ҳокимияти учун бошқа ходиса ҳисобланади.

Шу ўринда ҳақли саволлардан бири ўз ифодасини топишни истаиди, хўш биз тинчмиз аммо озодмизми?

Мана бу савол бизларни тафаккурга етаклайди. Бу ҳолатта биз тафаккурни ирода этмасак биздан шахсий фикр дунёга келмайди, биз учун монополик фикр эгаларининг ёпиқ фикрлари дастурил амал бўлиб қолаверади.

Яна сизни фикрлашингиз бошқа бир фикр эвазига бўлади, масалан сиз тинчлик тамойиллари ҳақида борлиққа боқиб эмас, мана шу тинчликка ўзини донор дея атаётган раҳбарият сиёсий фикрларига боқиб

ёпиқ фикр билдиришдан нарига ўта олмайсиз.

Тинчлик ходисаси Давлат наздида мутлоқ бошқа бир нечта назарияларни жам этади. Халқ онги учун сингдирилган тинчлик формуласи сингдиروми қон тўқиш маънавиятини ҳосил этади. Тинчлик дея энсасини қотирсангиз агар бирор фуқародан мулоҳаза кутиб, у албатта қон тўқилмаётганини фикрининг мазмуни этиб билдиради ва бунинг сабабчиси ўлароқ ягона Юртбошини ислохотларни келтиради, бу эса фикр донорларининг бу инсонни фикр доирасини буткул монаполлаштириб бўлганларидан дарак беради.

Тинчлик формуласини ёйишдан ҳокимиятнинг энг илғорий мақсади бу ўз дахлсизлигини жорий этишдир.

Чуни тафаккур этиш лозимки Давлат учун энг улкан даромад ҳам ва энг йирик хавф ҳам ўз халқидан келади.



Мунтазам тарзда халқини маълум жихатларда ва миқдорларда йўқ қилиб туриши билан Давлат ўз тинчлигини сақлайди.

Тинчлик формуласини тарғибот этиш натижасида фуқаролар озодлик хиссини унутадилар, улар учун тинчлик формуласи асосий тамойилга айланади.

Тинчлик ҳақиқати ҳақида мулоҳаза билдириш юқорида айтиб ўтилгани каби борлиққа мусбат муносабат доирасида бўлмоғи жоиздир.

(Давоми кейинги саҳифада)

## ХАЛОВАТИ ЙЎҚ ЮРТНИНГ ТИНЧЛИГИ ТИНЧЛИК ДЕЙИЛМАЙДИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Тинчлик ҳодисасини хикмати фақат оила аъзоларингиз даврасида бўлишингиз эмас, чунки бундай тинчлик ҳар бир юрт оилаларида бисёр. Қуролга қиёс қилиш ҳам нўтўғри, бугун биров кўлида қурол билан бировга отмаётгани бу тинчлик дегани эмас, чунки бошқа ўлкаларда аҳоли учун қурол сотиш одатий кунлик эҳтиёж.

Тинчликни фақат қон тўқилмаслигига қиёслаш мутлоқ хато деб хисоблайман. Марҳамат донор фикрларимиз (рахбаримиз) чегара қўйиб айтаётган фикрларини бутунлай унутган ҳолатда асл тафаккуримиз ила тинчликни хитоб этсак. Юртимиз тинч, бу тўғри аммо ҳамма тамойиллари шундаймикин? Шу ўринда тўрт ажиб савол билан сизларга мурожаат этаман:

### 1. Биз ижтимоий тинчликка эгамизми?

Бизларни мулк ва виждон эркинлигимиз қафолатда эмас, биз бу юртда таваққал қилиш эвазига яшаймиз. Барча муҳолифлик базаси цензура сояси остида.

### 2. Биз сиёсий тинчликка эгамизми?

Сиёсатимизнинг ҳар бир тамойили таққил ҳамда жазога асосланади, сиёсий илмлар тинчликни мадҳ этмайди. Бизнинг сиёсат фақат ўз устунлари учун тинчлик яратади, жамият учун сиёсий тинчлик бўлиши ақлга сиғмас ҳодисадир.

### 3. Биз иқтисодий тинчликка эгамизми?

Мулкимизнинг барча турлари дахлсиз эмас. Даромадларимизни яширишга мажбуримиз, тинч ишлашга ҳеч қачон йўл барпо этилган эмас. Ўз маблағингизни хоҳлаганингизча ишлата олмайсиз, сизни албатта сўроқ қилишади фақат назорат юзасидан эмас сизни шилиш мақсадида шундай қилишади. Оддийгина хорижда ишлашимизни ҳам қоғозбозлик иши қилиб юборилди, қоғозбозлик дегани эса коррупция учун очиқ эшикдир.

### 4. Биз маънавий, миллий, эътиқодий тинчликка эгамизми?

Бундай тамойилларга асосланмаган сиёсатимиз бошидан бери маънавият мезонини бузиб келмоқда, миллийликни йўқ қилишни билан миллатда бош эғиш мутатсияси ривожланди, эътиқотни сустлаштириш оқибатида одамлар тафаккурни унутта бошладилар, эътиқод эркинлиги ҳақида гапиришим жоиз ҳам эмас, чунки ҳар биримиз биламиз бу иш қандай тубанларча ҳал этилаётганини. Бу ҳолатлар учун яққол тинчлик ибораси ётдир.

Бугунги тинчлик формуласини

ўрганар эканмиз аслида биз нотинчликда эканимизни ифода этади. Иқтидордаги Давлат хатто шахсий ҳаётингиз учун тинчлик бермайди, шахсий фикрларингиз учун тинчлик бермайди, шахсий фаолиятингиз учун тинчлик бермайди.

Тинч ухлашни, ўқ овозини эшитмасликни, уйингни тўрт деворини кўришингни тинчлик деб аташ бу ноўриндир.

Бу бир сиёсий формула холос, ижтимоий тинчлик барпо этиш лозим, буни акси эвазига мана хорижда ишлаш бизнинг олий даромадимиз манбаига айланди.

Сиёсий тинчлик яратилмагани қанчадан қанча адолатпарварларни муҳожиротга маҳкум қилиб келади.

Ўз уйингда ётиб туриш билан тинчлик ўтса нега одамлар мингларчаси қамалишмоқда сиёсий ва диний айбловлар билан?

Бу эса аслида Давлат тинч эканини билдиради.

Бугун биров қон тўқмаяпти дея очнаҳор ва қадр қимматимиз яшаш, эркин фикрсиз, виждон эркинлигисиз, дахлсиз, хорижларда сарсон яшаш тинчлик дея оламизми ёки озодлик дея оламизми, хурлик дея оламизми?

Оммавий қатл, оммавий дафн амалга оширилаётган бу диёрда инсон ҳаёти тинч ва дахлсиз дея оламизми?

Тадбиркорлардан ўз бизнеслари тортиб олинаётган бир вақтда тижорат юритиш тинчлиги муфассал дея оламизми? Ўз бойлигинга ўзинг зор бўлсанг, ўз юртингда кул бўлиб ўзга юртда мардикор бўлсанг бу ҳам тинчликми? Шу ҳам озод элми?

Даромадингни яширмасанг бу Давлат қорни тўйса ҳам кўзи тўймай тажовуз қилиб турса, ишингни битиши берадиган порангни микдорига боғлиқ бўлса шу ҳам ижтимоий тинчлик бўлдими?

Пахта дегунча одамлар сарсон, шу ортидан хатто мактаб ўқувчиларигача мажбурланади, илм муҳим эмас пахта муҳим, зўравонлик муҳим эмас, пахта муҳим тинчлик балки мана шудир?

Агар бу раҳбарлар бир шаҳарга келар бўлса ўша шаҳар йўллари тўсилади, магазинлар бозорлар ёпилади, одамлар хайдалади, бу раҳбар ўз тинчлигини ўялайдими ёки Халқдан ҳадиксирашми бу, ахир тинч эканмиз Халқдан нега кўрқади, «тинчмиз» дея жар солаётган бундай раҳбар нега тинчликка етишолмайди, демак биз тинч эмасмиз, биз осойишта эмасмиз.

Унутманг азизлар, халоват йўқ юртинг тинчлиги тинчлик дейилмайди балки зулмиятнинг тинчлиги дейилади.

**ИЙМОН МУФАССАЛ**

## РАМАЗОНДА БЎЛГАН БИР ВОҚЕЪА



Муслимаҳон онаси билан рамазон ойи кириб келиши муносабати билан тайёргарлик кўриб, хурсанд ўлтиришган эди. Уларнинг меҳр билан суҳбатлашиётганга ни устига отаси ҳар доимгидек галдираклаб кириб келди.

Уларни самимий суҳбатлашиётганини кўриб нима тўғрисида гаплашиётганини и сўради. Шунда онаси “Сизга нима, барибир эмасми, эртага рамазон ойини биринчи кун бўлса ҳам, уялмай ичиб келибсиз? Бизнинг суҳбатимизни сизга қизиғи бўлмаса керак...”, деди. Отаси “Нима деганинг? мен ҳам мусулмон боласиман, Худо хоҳласа эртадан рўза тутаман.” Она отасининг айтган сўзига ишонмади, рамазон олдида эрининг бу ҳолатда кўриб қайфияти бўзилган эди.

Рамазон кунинг биринчи саҳарлик пайтида таомланаётган она ва бола олдига отаси кўшилди ва ўша кундан бошлаб рўза тутиб, намоз ўқий бошлади.

Муслима жуда хурсанд эди, чунки энди уни уйида ичиб келган отаси онасини калтаклаш йўқ, биринчи бор отаси унга кизалоғим деб мурожат қилганини эса гапирмаса ҳам бўлади. Онаси кашта тикиб топган пулларини энди отаси олиб қўймайди, рўзгорга барака кирди... Муслима ҳаёти тинч, отаси унга меҳр кўрсатишидан жуда хурсанд эди. Рамазон ойлари шу зайлда ўта бошлади.

Бир кун Ота тунда қизи йиғлаб қилаётган дуодан уйғониб кетди. Яқинроқ бориб кулоқ тутди, қизи Аллоҳга дуо қилаётган экан, “Эй Аллоҳим қани энди рамазон ойи тугамаса, бу ой тугаб қолса отам яна эски ҳолатига қайтади, менга меҳр билан қарамайди. Эй Алоҳим рамазон ойини ўз кудратинг билан узайтиргин”, дер эди.

Бунга гувоҳ бўлиб турган Ота ўзини тутолмай йиғлаб юборди. “Наҳотки шунчалар кўр бўлсам, ўз зурриётим кўрган нарсани мен кўролмаётган бўлсам”. Ота қизини олдига келиб уни кўз ёшларини артди. “Қизим сени дуоинг ижобат бўлди, энди рамазон бизнинг уйимиздан бир умр кетмайди. Отангни рамазон ойида қандай кўрган бўлсанг, энди доим шундай кўрасан”. Муслимаҳоннинг кичгина қўлчалари беихтиёр яна дуога очилди...

**Обидхон Икрамов**  
*Наманган шаҳар “Имом Бухорий”  
жомеъ масжиди имом хатиби*  
Адолатга бир қадам



## АЛМАТОВГА ҚАРШИ ИНОЯТОВ, МХХ ВА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ РАҚОБАТИ ҲАҚИДА

Registan.net блогерлар саҳифасида ўзини Alexander дея тақдим этган Британиядаги тадқиқотчи номидан чоп этилган мақолада айтилишича, Ўзбекистонда яқин орада эркин ва озод сайловлар бўлиб ўтмайдиган кўринади.

Шу йил бошида президент Каримов юрак ҳуружига учраганлиги ҳақидаги тасдиқланмаган хабарлар қудрат алмашинуви борасидаги миш-мишларга янада туртки берди, дейилади ушбу мақолада.

Муаллиф қудратга меросхўрлар сифатида Президентнинг тўнғич қизи Гулнора Каримова, Бош вазир Шавкат Мирзиёев ва унинг ўринбосари Рустам Азимовларни санаб ўтган.

Лекин унга кўра, 2015 йилги сайловларда ким ғолиб бўлмасин, мамлакат бошқаруви айнан унинг қўлида бўлмайди.

«МХХ мамлакатни бошқаради, МХХни эса Рустам Иноятов», — дея хулоса қилган у.

Айтилишича, Миллий Хавфсизлик Хизмати раҳбари Рустам Иноятов Ўзбекистондаги энг қудратли шахс сифатида кўрилади.

1944 йили туғилган Рустам Иноятов Тошкент Давлат Университетининг Шарқшунослик факултети Форс тили бўлимини битирган.

Шунингдек уни катта таъсирга эга ва Фарғона «клани» билан тил топишган Тошкент «клани» раҳбари ҳам дейишади.

Муаллифнинг ёзишича, 1990 йиллардаги Тожикистондаги фуқаро урушидан фарқли ўлароқ Ўзбекистондаги «фуқаро уруши» мавжуд кланлар ўртасида ёпиқ эшиклар ортида ўтади.

Ўзбекистон ҳукумати бу каби «клан»лар мавжудлигини ҳаммишараф этиб келган.

Мақолада ёзилишича, Ислом Каримовнинг қудратга келишида Самарқанд «клани»нинг раҳбарларидан бўлмиш Исмоил Жўрабеков катта рол ўйнаган.

Унда шунингдек, Ислом Каримов раҳбарлиги остида собиқ Ички Ишлар вазири Зокиржон Алматов ҳам анчагина таъсир доирасига эга бўлгани айтилган.

«Ўзининг қаттиққўллиги билан ном чиқарган Зокиржон Алматов мамлакатда жиноятчилик даражасининг тушиши учун ҳам масъул кўрилади».

«1993 йили жаноб Каримов икки нарсани тушуниб етди. Биринчидан, унинг Самарқанд «клани»ни қўллаб қувватлаётгани бошқа «клан»лар томонидан, айниқса Тошкент ва Фарғона кланлари томонидан «рашк»ка сабаб бўлаётгани ва иккинчидан, Алматов унга қарши давлат тўнтаришини ташкиллаштиришга қобил экани».

Бу иккала муаммони ечиш учун жаноб Каримов Иноятовни ечим сифатида кўрди, дея хулосага келган мақола муаллифи.

«1995 йили у Иноятовни МХХ расиси этиб тайинлади ва Алматовнинг тобора кенгайиб бораётган таъсирига қарши кураш учун маблағ ва кучни унинг қўлига топширди».

### МХХ Ички Ишлар Вазирлигига қарши

Мақола муаллифининг ёзишича, Иноятов раҳбарлиги остида МХХ қудрати тезлик билан ошди.

«МХХ тез орада прокурорлар устидан назоратни қўлга олди. 1999 йилга келиб МХХ Ички Ишлар вазирлиги ва Самарқанд кланига қарши тура оладиган даражага кўтарилди. 1999 январ ойида жаноб Иноятов биринчи «хужум»ни амалга оширди:

Бош вазир биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков қудратдан четлатилди».

Муаллиф шундан сўнг 1999 ва 2004 йилги Тошкентдаги портлашларга эътибор қаратиб, МХХ ва Ички Ишлар вазирлиги бу ҳужумлардан аввалдан воқиф бўлгани ва ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринганликлари ҳақидаги хулосага келган. «Бу йўлда икки ташкилот ўртасидаги рақобатда МХХнинг қўли баланд келди».

Муаллиф фикрича, бу даврда ҳам Иноятов ва ҳам Алматов мутлақо мустақил ва тиш-тирноғигача қуролланган ҳарбий кучларга раҳбарлик қилишган.

«Иноятовнинг кучлари сон жиҳатдан кичикроқ бўлса ҳам унинг қўли остида «Альфа», «Скорпион» (Чаён), «Кобра» каби махсус бўлинмалар бор эди. Иккалалари ҳам Ўзбекистондаги бизнес доираларини назорат қилувчи зобит ва текширувчиларга эга эдилар».

Мақолада айтилишича, 2005 йили Иноятовга Божхона Хизмати устидан назорат ҳам берилди. Шу билан бирга 10 минг аскардан иборат Чегара Хизмати Қўшинлари ҳам унинг қўлига ўтиб, унга тегишли кучлар сони деярли икки баробарга ошди.

Муаллифга кўра, жаноб Алматов 2005 йили Андижон ҳодисалари оқибатлари туфайли Иноятовга қарши курашда мутлақо кучини йўқотди ва вазифасидан кетиб, саҳнадан йўқолди.

«Бугунги кунда Рустам Иноятов нафақат МХХ ва Ички Ишлар вазирлиги балки ҳукуматнинг барча бошқа бўлинмаларини ҳам назорат қилади. Унинг одамлари ҳар бир вазирлик ва идорада бор. Улар нафақат давлат ишларини олиб борадилар, айни вақтда Иноятов учун маълумот ҳам тўплайдилар. Кимда-ким Иноятовни танқид қилса, шу заҳотиёқ бу ҳақда хабар етказилади ва улар ишдан олинади», — дейилади мақолада.

Муаллифнинг хулоса қилишича, Ўзбекистонда қудрат мутлақо МХХ қўлидадир.

«Каримовнинг Алматовга қарши курашда асосий қуроли бўлиши куттилган жаноб Иноятов, ҳозирда Путин қилган ишни қилиб, бутун мамлакатни назорат остига ола билди. Каримов билишини истамаган маълумотни Иноятов тўса олади. Ҳар замонда пайдо бўладиган аксил-ҳукумат эврилишларидан эса ўз манфаати йўлида фойдаланишда давом этмоқда», — деб ёзади Alexander исмли муаллиф.



“Балки” сўзи фақат шоирни эмас, бутун жамиятни алдаб турган ёлгончи бир пўкакдир. Шунга қарамай, шоирнинг эртага кўкдан кутганлари бор. Фақат у бошқаларнинг кутмаган нарсаларини кутади. Бу нарсаларнинг нима эканлигини очик айтмаса-да, уларнинг кун сайин яқинлашаётган нарсалар эканини ҳис этади:

*Мен билмайман, фақат,  
фақат ҳар кун сезаман,  
Лаҳза сайин яқинлашиб келар нимадир.*

*Яқинлашиб келаверар гурас ва гурас,  
Нафасимни ич-ичимга ютиб ётаман.  
Фақат кутиш лозим бўлган нарсани эмас,  
Кутилмаган нарсаларни кутиб ётаман.*



## МУҲАММАД СОЛИХ ШЕЪРИЯТИ

Муҳаммад Солиҳ эртаги кунини қувватли таҳхис этган бир шоирдир. Унинг ҳар кимдан фаркли шаклда лаҳза сайин яқинлашаётган нарсанинг янги ҳаёт эканлиги 1980 йилда – Советлар Иттифоки йиқилгандан сўнг – бир ҳақиқатга айланди. Шоир “Яшашни ўргатай” шеърда турмуш қийинчиликларидан сўз очиб, бир сўм пул билан қандай бахтли яшаш мумкинлигини, қийинчиликларга қарамай табассум этиш санъатини ўргатади. Бунинг сирини шоирнинг ўзи ҳам билмайди:

*Сенга ўргатаман, кел ўлтир,  
Ўзим элломмаган бир фанни.*

дейди у шеър оҳангида.

“Кўрқоқ одам” номли мансурасида шоир кўркувнинг ҳаётга ҳоким бўлганини ифода этади.

Инсонлар ҳар қандай хабарни хавотир билан қаршилайдилар. Телефоннинг жиринглаши, эшикнинг тақкиллаши каби ҳоллар шоир учун хавотирга сабаб. Шоир қариндоши ё оғайниси келса қочиб яширинади. Яна хабар хавотирни ила почта кутиси ёнидан чопиб ўтади; биров чақирса кўркувдан орқасига қайрилиб ҳам бокмас. Сўнгида шоир, “Йўқ, мен бу дунёнинг фожеа тўла кўзларига тик қаролмайман,” – дейди.

Шоир “Баъзан” шеърда ҳаётни бир рўёга менгзатади. Йигирманчи асрни, Асхоб-и Қоҳф рўёсига ташбиҳ этади. Рўё оламида яшаган шоир, баъзан ўлимнинг йўқлиги ҳақидаги хисларга ўралиб, бу мавҳумлик ичида, ҳаётда яшаётган “ўлиқлар”га дуч келади.

“Уйин” номли шеърда ҳаётни, инсонларнинг бир-бирларидан қочиб юришларини “бекинмачок” ўйнига ўхшатади. “Илҳом париси” шеърда эса совет турмуш тарзи фош этиларкан, илҳом парисининг кишини ачинтирувчи ҳоли англадилади. Советлар Бирлигида фақат инсонлар эмас, илҳом париси ҳам оч ва ялонғочдир; барча дўстларидан айрилган ва ватанини йўқатган каби паришондир:

*Илҳом парисини кўрдим тўсатдан,  
Қорни оч, ялонғоч, узунсоч.  
Ўлтирарди хонанинг қоқ ўртасида  
Пойида ётарди қурум босган тож*

*Айрилган кимсадай бор-йўқ дўстидан,  
Қарайди йўқотган мисол ватанин.*

Шоир, усти-боши юпун, ҳамма нарсасини йўқотган, йиғлоки совет парисининг

ачинарли ҳоли билан, унга яхшилик ва гўзалликлар илҳомини бера олмаслигини англайди. Нафақат бутун бир империя, бу империядаги илҳом париси ҳам чорасиз бир ҳолдадир. Шоир, бу манзара қаршисида шахсий қийинчиликларини унутиб, илҳом парисини химоя этади. “Уйга вазифа” шеърда Муҳаммад Солиҳ очлик билан қурашаётган жамиятнинг шоири ўларок сасланмоқдадир:

*Зеро очлик, очлик ҳам ҳатто,  
Бу дунёнинг неъматини фақат!*

Муҳаммад Солиҳ, “Мумкин” ва “Мумкин эмас” номли шеърларида, Совет империясида нима мумкин-у, нима мумкин эмаслигидан хабар беради. 1984-йилда ёзилган бу шеърларда ўша пайтдаги тузум очикча танқид этилмоқдадир. Бу шеърларда ифода этилганидек, фикрининг айтмаслик, ёлгон гапирмоқ, инкор этмоқ, ҳар қандай ҳолга бардош бермоқ мумкундир. Бутун буларга қарши, ўзгача фикрлашларга сабаб бўладиган китобларни ўқимоқ, бошқа ерларни ва бошқача ҳаёт тарзини қумсамоқ, севмоқ, шикоят қилмоқ, фарёд этмоқ ва энг асосийси, “мумкинми”, деб сўрамоқ мумкин эмасдир. Бу шеърнинг сўнгида ер олган, “Агар аллақачон ўлмаган бўсанг” мисрасидаги “ўлмаган” сифат фэъли, “манкурт бўлмоқ” маъносига қўлланилгандир. Бу сифат фэъли, юқорида санаб ўтилган шартлар билан бирга баҳо бериладиган бўлса, манкурт бўлмоқ, Советлар Бирлигида яшай олмоқнинг ягона йўли эканлиги аён бўлади: Манкурт ўларок яшаш мумкиндир. Аммо бунинг учун ўз ҳатти-ҳаракатларини назорат қилмоқ, ва ҳеч нарса ҳақда “мумкинми?” дей суриштириш мумкин эмас.

*Мумкин эмас, ҳатто оҳиста,  
Кўрқа-писа “мумкинми?” демоқ.*

Муҳаммад Солиҳ, совет ҳаёт тарзини ўтқир қалам остига олган шеърларидан яна бири “Кечикканлар” дир. Шеърда Совет жамиятининг бутунлай, ҳаётнинг замондан орқада қолгани, шоирнинг ифодасига кўра “поездига кечиккани” маълум бўлади. Шеърнинг сўнгида шоир, кўллариде тугунлари ва билетлари билан бекафта кутаётган бутун халққа айланаб: Гар кечиккан бўлса ҳамма, ким поездда кетди - ким?

дея сўрамоқдан ўзини тутолмайди. Юқорида, “Мумкин эмас” шеърдан баҳс этиларкан, совет ҳаёт тарзидан арз қилмоқнинг, шикоят этмоқнинг имконсизлиги ифодаланган эди. Бу тузим, Совет Иттифоқода бир қонун амридир. Бошқача қилиб айтганда, барчанинг ҳаётдан мамнун бўлиши, бахтли бўлиб кўриниши амр этилгандир. Бу амрга қарши чикқанлар эса, режим душмани, бузғунчи саналади. Муҳаммад Солиҳ, 1980 ва 1983 йилларда ёзган икки шеърда бундай зўраки бахтни аччиқ киноя билан тасвирлайди. Шоир “Бу ерда” номли биринчи шеърда совет жаннатини таъриф этади. “Бу ерда”, яъни Совет империясида қувонч, абадий уйғоқ хаста бир кўзга охшайди. “У ерда” изтироб, мажҳул бир калимадир. Умидсиз бўлмоқ учун ҳеч қандай сабаб йўқ. У ерда кимса фарёд чекмас, кимса ўлмас, йиғламас, кимса мактуб ёзмас, кимсадан мактуб кутилмас. Шохдаги кип-қизил олма абадий қизариб тураверади; асло ерга тушиб қиримайди, ҳеч қурт емайди уни. Ва ниҳоят у ўлкада; Қувонч, уйку билмас бемор бир кўздир. Шоир “Қувонч” шеърда эса, сабабсиз севинчини тараннум этмоқдадир. Мамнун кўринмоқ, ва севинчли бўлмоқ ҳам энди бир хасталик ҳолига келади:

*Кўкларга сакрагим келади, -  
Нима бало бўлди, билмайман.*

Бу мисраларда кўрилганидек, шоир, севинчидан хаволарга сакрамоқ ва ерларда юмаламоқ истайди. Аслида бу оддий бир ҳол эмас. Шоир буни яхши англайди. Аммо, сабабини ўзи ҳам билмайди. Ҳадеб кулаверади.

Куламан, тинимсиз куламан.

Севинчли кўринмоқ амр этилгани учун, ҳеч ким шоирнинг қулишига монъелик қилмайди. Ҳолбуки, шоир кулгусини тўхтатишларига эҳтиёж сезади. Акс ҳолда, севинчдан, зўраки бахтиёрликдан ўлиб қолиши мумкин:

*Ҳеч ким ёрдам қўлини чўзмас,  
Қайрилиб қарамас бир инсон зоти  
Қувончдан ўлаётган одамга!*

Ҳозиргача таҳлил этиб чиққанамиз шеърларда, Советлар Бирлиги даврида яшалган ҳаёт бош мавзу қилиб олинган эди. Бундан кейинги шеърларда эса, ўзбек туркларининг ҳаёти қаламга олинган. Шоир, ўзбекларнинг ҳаётдан баҳс этаркан, пахта пайкалларида кеча-кундуз демай меҳнат қилган, ишламоқдан ва итоат этмоқдан бошқа нарсани ўйламаган ва нафақат моддий, балки маънавий кафолатга ҳам маъруз қолган бир жамиятнинг ҳаётини бизга кўрсатишга ҳаракат қилади. Ўзбекларнинг 70% и кишлоқларда яшамоқда ва пахта этиштириш билан машғул бўлмоқдадир.

Ўзбекистонда пахта планининг Туркиядагидан ўн баравар (йилда 4 миллион тонна) кўп эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бунинг нақадар катта меҳнат эканлиги яна ҳам аниқроқ кўз олдимизда намоён бўлади. Нуфузи Туркиянинг учдан бири қадар бўлган Ўзбекистонда, Москва идораси билан белгиланган ишлаб чиқариш планининг бажарилиши учун бутун миллат пахта майдонларига қарийб сургун этилгандир.

(Давоми кейинга саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳафада)  
Ягона мақсад экологик фалокатларга ва соғлиқ муаммоларига қарамай, ҳар йил яна ҳам кўпроқ пахта етиштирмақдир. Муҳаммад Солиҳ, совет тузумининг Ўзбекистонга тадбиқ этилишини, ва ўзбекларнинг ҳаётини, 1988 йилда қаламга олгани “Дилдаги ўйлар” мақоласида шундай мулоҳаза юритади:  
“Чор Русияси даврида кейинчалик “Ўзбек” деб аталган бу турк халқининг 75% қишлоқларда, 25% шаҳарларда яшаган. Бугун сотсиализм тузуми барқ урган пайтда бу халқнинг қишлоқда яшайдиган қисми 80% га етди. Тараққиётга балли! Шаҳарларимиз кўпаймоқда уларда яшаётган ўзбеклар сони, аксинча камаймоқда. Урушгача (Иккинчи дунё урушидан аввал) Ўзбекистонда йигирма етти минг майда қишлоқлар бор эди, хутор системасини

га” шеърда ҳам тасвир этилмоқдадир. Муҳаммад Солиҳ, бу шеърда, бутун умри пахта даласида кечган ўзбек хотинини толгани гафлат уйқусидан уйғотмоқчи бўлади:

*Мунисим, пахтадан бошингни кўтар-  
Кун ботди, келди бош кўтармоққа пайт!  
Чўлни қувавериб, ўзинг ҳам дилбар,  
Чўлга қувинг бўлдинг, етар, уйга қайт.  
Пахтани терасан ... ватанга бериб,  
Донг қотиб ухлайсан, фақат ухлайсан-  
.....*

Ёрим, ухлама!...  
Шоир “Бадий ёлғон” шеърда эса, совет ҳаёт тарзининг бутунлай ёлғондан иборат бўлганини билдириб, пахтанинг бутун халқни маҳв этганини ёсади. Шоирларнинг “гул” ва “булбул” орасидаги кофияга таяниб шеър ёзишлари, бир

ирнинг секинчилиги кулминатсион нуқтага чиқаради:

*Бу менинг ўз уйим  
агарда ўлсам,  
Жасадимга ҳеч ким ўшиқролмайдди,  
“Чиқиб кет бу ердан, чиқиб кет” дея.*

Яхши билан ёмоннинг, хунук билан гўзалнинг, фазилат билан фазилатсизликнинг ёлғон билан тўғрининг бир - бирига қоришиб кетган, кўрқув ила хавотирнинг ҳоким бўлгани бир ҳаётни афзал кўриш ва маъқулаш, албатта мумкин эмас. Бундай бир жамиятда инсонлар бир - бирларига ҳурмат, севги ва шафқат ҳислари билан яқилашиш ўрнига, бир-бирларидан шубҳа қилиб узоқлашадилар. Инсонлар энг оддий эҳтиёжларига эришмоқ учун ҳам, юқоридан бериладиган ҳар қандай амрга итоаткор манкуртлар ҳолига келадилар. Ҳақиқатдан ҳам, Рус Совет Империяси бутунлай абгор ҳолга келган, фикрлаш қобилиятини йўқотган замонавий манкуртлар империясидир. Бу ҳам, жамиятни ўз ҳуқумдорлиги остига олган жаноб коммунистлар томонидан билиб туриб, қасдан яратилган бир вазиятдир. Система ўзини сақлаб қолгани учун, замонавий куллик деб аталган манкуртизмдан қарздордир.

Муҳаммад Солиҳ, шу фикрларни ўз ичига олган шеърини “Адашганлар қўшиғи” деб номлаган. Бу саргардонлик, йўлини йўқотиб, хайрон турган бир жамиятнинг қўшиғидир.

*Эҳтирос қамчиси остида дир-дир,  
Титраётган тўядай, тушов оёқда  
Юришга мажбурмиз,*

*юрмоққа мажбур  
Билмай, мағриб қайда машиқ қеъда*

.....  
*Ҳар кимнинг бўғзида узун бир нола  
Ҳар кимнинг кўксига биттадан ўлик.*

Шоир, бу мисраларда, ўзи мансуб бўлган жамиятни, яшамокдан бошқа нарсани ўйламаган, оёғида занжир урилган тўяга ташбех этади. Кейинги мисраларда эса, рух сафолати, ва мақсадсизликдан арз қилинмоқда. Аслида бу, Тангрининг бир лаънатидир. Шоир, ҳам моддий, ҳам маънавий таназзулга учраган жамиятни “хўкиз каби” ишлаганига қарамай мукофот ўрнига ҳақорат кўраётганини ифода этмоқдадир.

Бору-йўғини дунёнинг пойи остига ташлаган миллат, охири “ўғри” деган номга қолмоқдадир. Бунга айбдор ҳам миллатнинг ўзидир. Шоир, шеърининг охирида, лаънатга қолган миллатнинг истикболи йўқлигини, ватанининг, ҳароб ҳолга тушиб қолган наслнинг қуриб битажагини билдиради:

*Қаралган миллатнинг келажаги тул,  
Дарёлари қуриб, чирп ерлари,  
Қаралган миллатнинг болалари – қул  
Аёллари тумсо, бепушт эрлари.  
Қаралган миллатнинг қозиси – фосиҳ,  
Олими савдогар – илм сотиб яшар,  
Шоирлари эса ақдан озиб,  
Душмандан мукофот олмоққа шошар .*

Шуъайб Қорақош (Туркия)

## МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

тугатиш байроғи остида, бу қишлоқларнинг йигирма минги йўқотилди. Урнига шаҳарлар эмас, пахта плантатсиялари пайдо бўлди. Баъзи газеталар “Дехқонлар гўшт емайдилар” деб ёзаётди. Тўғри гап. Дехқонлар пархездалар. Чунки гўштининг ўзи йўқ. Гўшт берадиган чорвачилик йўқ, чорвани боқадиган яйлоялар йўқ- яйловларга ҳам пахта экилган. Шу йилда қаламга олинган “Жавоб” номили мақолада ҳам, 1929 йилда Америка, иктисодий инқирозга учраб, Русияга пахта беришни тўхтатгач, Сталиннинг амри билан Ўзбекистонда пахта ҳосилдорлигини орттириш мақсадида, бир қанча тадбирлар олинганини, бунинг учун эса, қишлоқларга қўшиб, боғларнинг, яйловларнинг ва ўрмонларнинг йўқ этилганини, инсонларнинг кўрган зулмлариани аңглатади.”

Муҳаммад Солиҳ, 1985 йилда ёзган “Дехқон қўллари” номили шеърда, пахтадан бошқа нарсани ўйламаган ўзбек дехқонининг бу ҳазин ҳаётини тараннум этмоқдадир. Бу шеърда ҳаёт, инсонларнинг бутун вужуд аъзолари ила (қўл, оёқ, юз, кўз, кулоқ) хизмат қилмоқ учун яратилгани чидаб бўлмас бир исқанжа ўлароқ кўрсатилади:

*Бир қўлим кўксимда турар мунтазам,  
Бир қўлим раисга саломлар берар.  
Ишга шўнғиб кетар қолган ўнтаси,  
Қолган ўнта қўлим пахтани терар.*

*Қўлдан иборатдир менинг вужудим,  
Кўзим - қўл, юзим - қўл, оёғим ҳам қўл,  
Неки туртиб чиққан бўлса ичимдан,  
Бари - қўл, ҳаттоки ... қўлогим ҳам қўл!*

Шоирнинг бутун бадани, хизмат этмоқ учун бошдан оёққача тамоман қўлга айланади. Аммо шунга қарамай, ишларининг уддасидан келолмас, яна кўпроқ қўлга эҳтиёж бордир. Сўнгида шоир чорани тупроққа қўл экмоқдан топади. Ўзига айратилган бир парча таморқасига қўл экишга қарор қилади:

*Тушда аён бўлди улуғ бир мақсад,  
Олга кетаяпман, боқмай орқамга;  
Хўрлик ерига пахтани эксам,  
Мен қўл экажкман ўз томарқамга!*

Бу, бир дехқончилик ўлкаси бўлган Ўзбекистондаги ҳаётнинг умумий таърифидир. Айнан шундай ҳаёт, “Ўзбек аёли-

“бадий” ёлғондир. Чунки экологик фалокат сабаби ила булбуллар ўлмоқда, гуллар қуримоқдадир. Худди шундай, мавсумлар гўзаллигини куйлаганлар ҳам ёлғон сўйламоқдалар. Зеро, фаслларнинг юзидаги ол ранг аслида ўлим гўзаллигидир. Шоир, пахтанинг “олтин” деб аталишига ҳам эътироз билдиради. Чиндан ҳам, пахта, ўзбек иктисоди учун олтиндан қадрлидир. Шу сабабли пахтага ҳақли ўлароқ “оқ олтин” деб ном берилгандир. Аммо шоир, халқнинг ҳаётига қасд этган, халққа қарши бўлган бу ҳақиқатнинг ҳам ёлғон саналиши кераклигини куйлайди:

*Пахтани “олтин” деб кимдир бўлса ҳақ,  
Унга ҳам ишонманг, қўлнинг оёққа, -  
Чунки ҳақиқат ҳам ёлғондир мутлақ  
Агар қарши бўлса ҳақиқат халққа!*

Туркия туркчасида “иргатлик” (деҳқончилик) қалимаси билан ифода этилиши мумкин бўлган бу ҳаёт тарзи, инсонларни яшаши лозим бўлган уйдан ҳам маҳрум этгандир. “Мўжиза юз берса” шеърда, Ахмад Ясавий мўжиза юз бериб, Ўзбекистонда такрор яшамокчи бўлсайди, уй тақсимлаш билан машғул бўлган ижрокўм (ижро кўмитаси)нинг, унинг шоирлигини ҳисобга олиб унга бир хоналик уй берабилажаги зикр этилади. Бир уйга етишмоқ, бир совет фуқораси учун энг буюқ бахтиёрликдир. Уйининг душхонасида шалола остида ювинаётган ибтидий одам каби шодликдан хайқира билмоқ, истаган деворга ўзи хоҳлаган расмни оса билмоқ шоирнинг энг буюқ ҳаёлидир. Шоир, “Дастлабки қувонч” шеърда, уйининг деворларини шафқат-ла силамоқ, ва эшиқларини меҳр-ла кучмоқ истади:

*Филнинг эгаси  
Ўз филни суйгани каби,  
Эркалагани каби,  
Деворларин силайман бу уйининг.  
Эшиқларин қучоқлайман  
Ошиқ йиғит қизни қучган сингари.  
Ҳаммомига кириб,  
Завқдан қичқираман.  
Шаршара тағида чўмилаётган  
Ибтидий одам каби мен.*

Шеърнинг охиридаги шу мисралар, бир уйча эгаси бўлмоқни ҳаёл этган шо-

## ҲОМИЛА, ТУҒИШ ВА ЧАҚАЛОҚ ПАРВАРИШИ



Кўкракларнинг шишиши, кўкрак учларининг ёрилиши

Кўкраклар учлари ёрилса ёки кўкракда хароратли шишиш бўлса, 3 кун давомида ҳеч нарса емасдан, исталган-нича рейфрут, лимон суви ёки семиз ўти сувини ичиш, кўкракни компресс қилиш ва унга зулук қўйиш керак.

### Компресслар

Майдаланган мускат ёнғоғи + зайтун ёғи ёки майдаланган дуккакли ўсимлик (бобы конские) + зайтун ёғи, ёки соф бугдой унидан қолган кепак + сув + асал, ёки майдаланган зиғир уруғи + сув + асал йўғрилиб, ёғли қоғозга суртилади. Кўкракларга мустаҳкам қилиб қўйилади. Кунинг 2 - 3 марта алмаштирилади. Мана шу компресслардан ҳар бири 2-3 соатдан кейин хароратни туширади, шишларни кетказди.

Компресслар билан бирга 3 кун танаффус билан кўкраклардан 3 марта хожамот қилади. Илк маротаба қон олдирганда кўкракнинг ташқи тарафларидан, иккинчи маротаба – остидан, учинчисидан – устидан олинади. Ёки кўкракнинг шишига бир марта 1 дона зулик қўйилади.

Она сути эма олмайдиган болалар учун *Дастлабки 2 ҳафта:*

1/3 сут 2/3 сув, 0,1 гр занжабил билан қайнатилади. Масалан, 30 гр. табиий сут 60 гр. сув билан қайнатилади. Кейин 40 даражагача совутилади, ҳар сафар 2-3 томчи табиий асал аралаштириб, чақалокқа берилади.

2 ҳафтадан кейин:

Тенг микдорларда сув билан сут 0,2 гр занжабил билан қайнатилади. Масалан, 60 гр. сут 60 гр. сув билан қайнатилади. Кейин 40 даражагача совутилади, 120 граммга ярим чой қошиқ асал аралаштирилиб, чақалокқа берилади.

3 ҳафтадан кейин (5 ҳафталик чақалокқа):

2/3 сут + 1/3 сув + 0,5 гр занжабил қайнатилади. Масалан, 100 гр. сут + 50 гр. сув. Кейин совутилади ва ҳар сафар ярим чой қошиқ асал билан аралаштирилиб, берилади.

2 ойлик чақалокқа:

3/4 сут + 1/4 сув + 0,5 занжабил қайнатилади. Масалан, 150 гр. сут + 50 гр. сув. Кейин совутилади ва 1 чой қошиқ асал билан аралаштирилиб, берилади.

Янги униб чиққан бугдой ёки арпани эзилади. Сув билан аралаштирилиб, суви сузилади ва бу сув кунига бир марта асал билан бирга берилади.

Тарвуз суви илк кунлардан бошлаб берилади. Масалан, 30 граммдан бошланади ва ҳар куни 20 граммга кўпайтириб, 200 грамм, ҳатто 300 граммгача чиқарилади. 2 ойлик чақалокқа тарвуз унинг данаки ва бироз яшил пўсти билан бирга сиқиб, берилади.

Табиий сут топилмаса:

Чақалокни 2-3 ойдан бошлаб, оз микдорда янги сиқилган сабзи, гилос, олча, олма, нок, узум, анор, тарвуз сувини таом сифатида ичишга ўргатиш керак. Мева сувларини сув билан аралаштиришни эздан чиқармаслик керак. Даставвал 1/2 мева суви + 1/2 сув, кейин 2/3 мева суви + 1/3 сув, кейин эса 3/4 мева суви + 1/4 сув. Сут ўрнига қатиқ берилади. 3 ойлик чақалокқа рандаланиб, яхшилаб эзилган банан, қобиғи билан бирга эзилган олхўри, қобиғи билан бирга эзилган шафтоли, қобиғи билан бирга эзилган анжир берилиши мумкин.

5-6 ойлик чақалокқа:

2 ош қошиқ қуритилган тут (тут туршаги) + 6-7 дона бодом ёки 2 дона ёнғоқ яхшилаб майдаланади ва старли микдорда сув билан аралаштирилиб, кунига бир марта қошиқ билан едирилади.

Ёки: Ошқовоқ қобиғи билан оз микдор сув билан паст оловда пиширилади. Яхшилаб майдаланган 2 дона ёнғоқ билан ёки 6-7 дона бодом билан аралаштирилади ва кунига 1 марта берилади. Бир куннинг ўзида ҳам бодом, ҳам ёнғоқ берилмайди, тартиб билан берилади.

Янги униб чиққан бугдой эзилиб, 10 дақиқа қайнатилади. Совугандан кейин сузилиб, асал билан аралаштирилади ва чақалокқа берилади.

Она сутидан кейин энг табиий ва ҳазми энг осон озукалар ана шулардир.

Боланинг барча тишлари чикмагунча овқат, гўшт, тухум, пишлок берилмаслиги керак. Аммо овқат бериш зарур бўлиб қолса, чайнаб бериш керак. Чақалок ахлатининг ўткир ва ёмон ҳидли бўлиши ҳазмсизликдан далолат беради. Овқатлар ҳазм бўлган бўлса, чақалокнинг ахлати хид тарқатмайди.

Она сутидан маҳрум чақалоклар тиш чиқарганда жуда азобланишади. Тез-тез харорат кўтарилиши, ич кетиши, тиш ва кулоқ оғриқлари кузатилади. Буларнинг олдини олиш ёки камайтириш учун чақалокнинг бўйнини ва бошини ёғлаш, қулоғига ва бурнига зайтун ёғидан томизиш керак («Чақалокни ювинтириш» бўлимига қаранг.)

Ҳар бир чақалокнинг иштаҳаси, озикланиш микдори ҳар хил бўлади. Аъзолари заиф чақалокнинг иштаҳаси бўлмайди, овқатни ҳазм қилиш қуввати бўлмайди. Бундай болаларни овқатланишга мажбурламаслик, ўз ҳолига қўйиш керак. Ўзи билан ўзи машғул боланинг иштаҳаси очилади.

Иштаҳали болаларни олқишлаш нотўғри, уларнинг ҳамма истакларини бажариш шарт эмас. Бола қанчалик иштаҳали ва вазнли бўлса, катта бўлганда шунчалик семиз бўлади, вазн ташлашга қийналади.

Чунки ҳар бир соғлом вужудда автоматик назорат тизими мавжуд бўлиб, корин тўйганда, мия бизга шу тизим орқали сигнал беради.

Ортиқча овқат ейишга зўрлаш бу назорат тизимини бузиб, болани умр бўйи семизлик ва касалликларга маҳкум этади. Бола вақти-вақти билан парҳез

орқали озиши мумкин, лекин унинг ёғ ҳужайралари катталашганлиги сабабли, овқат еб бошлаши билан яна семира бошлайди.

Озгин ёки семиз бўлишдан қатъий назар, болага овқатни меъёрида бериш керак, мажбурлаб едирмаслик, зарур бўлса, таомларни ундан яшириб қўйиш керак. Болага - у истаган пайтда - фақат мева ва сув бериш мумкин. Бу нарсалар ўз боласини соғлом вояга етказишни истаган ҳар бир онанинг олтин қоидаси бўлиши лозим.

Болалар 2 ёшдан кейин қуйидаги тарзда озикланишлари мумкин:

1-чи ейиш (09:00): асал сиропи ёки янги сиқилган сабзи суви, исталган бир мева суви ёки меванинг ўзи.

2-чи ейиш (12:00): кўклатли салат ёки сабзавотли овқат. Бир бўлак балиқ ёки бир котлет ҳам бўлиши мумкин.

3-чи ейиш (17:00): мева, тарвуз ёки сабзи суви.

4-чи ейиш (19:00): асалли занжабилли сут, қатиқ ёки мева. Ёки эзилган ёнғоқ + асал + банан, ёки салат + тухум.

Ҳафтада 2-3 марта тухум бериш мумкин. Гўшт ва пишлок мизожа кўра истемол қилинади. («Гўшт», «Пишлок», «Тухум» бўлимларига қаранг.)

Аслида болаларга кунига 1 дона сабзи, 3 дона мева, 1 десерт қошиқ асал кифоя қилади.

Овқатни ҳаммасини еб қўйишга мажбурласангиз, боланинг ошқозонини кенгайтириб, овқатга ҳирсини оширасиз, ёмон ҳулк-авторли бўлишини тامينлайсиз ва унга касалликлар «совға» қилган бўласиз. Аммо оч бўлган болага овқат берсангиз, болага марҳамат, ўзингизга савоб бўлади. Динимизда ҳайвонни ҳам ортиқча озиклантириш, уни семиртириш ва кўп ейишга зўрлаш макруҳ қилинган.

### Тайёр таглик (памперс) қўллаш

Она сути билан табиий озикланган чақалокнинг сийдиги нажас эмасдир. Пайғамбаримиз (с.а.) неварасининг сийдигини кийимидан нам мато билан артиб, намозини қилаверардилар.

Овқат ейишни бошлаган боланинг сийдиги эса - нажасдир.

Дастлабки 2 ҳафта ичида чақалокларга ҳожатга чиқиш одатини ўргатиш керак ва бу жуда осон. Чунки бу уларнинг фитратига (табиатига) мос.

Ҳар сафар эмизгандан кейин рефлекслар ҳаракатга келиб, бўшашиш ва ҳожатга чиқиш пайти (истаги) келади. Чақалок ҳожатга чиқарилади ва «ш-ш-ш», дейилади. Чақалок қанчалик кичик бўлса, шунчалик тез ўрганади.

Одатда, болалар тағларига тўкилган сийдикнинг иссиқлигини ва у билан келган роҳатни жуда яхши кўрадилар. Фақат бир дақиқадан кейин юзага келадиган намлик ва совуқлик ҳисси уларни бу нарсани яхши кўришдан тўхтатади.

Тайёр тагликлар (памперслар) кийдирилган чақалоклар эса тағига тўкилган сийдикнинг нам ва совуқ эканлигини сезишмайди, шу сабабдан ҳам уларга сийиш ёқди ва сийдикни ушлаб туришга зарурият сезишмайди.

(Давоми кейинги саҳифада)

## ҲОМИЛА, ТУҒИШ ВА ЧАҚАЛОҚ ПАРВАРИШИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бунинг натижасида сийдикни ушлаб турувчи мускуллар ожизлашади ва кейинчалик ўз вазифасини (функциясини) йўқота бошлайди. Шу тарзда болаларда сийишдан лаззатланиш одати пайдо бўлади, бу эса ўз навбатида болаларда мастурбацияга (жинсий аъзоларини уқалаб, лаззат олишга) мойиллик уйғотиши мумкин. Ҳали 1,5 ёшда бўлгануриб, жинсий аъзоси яра бўлиб кетгунча мастурбация қиладиган болаларни учратиш мумкин.

Тайёр таглик (памперс) таркибидан сийдик ва ахлат суви ташқарига чиқармайдиган кучли нам тутувчи кимёвий моддалар бор. Бу кимёвий моддалар 24 соат давомида чақалоқнинг танаси, жинсий аъзоси ва кетига тегиб туради.

Анус(кеги) атрофида тахминан 100 га яқин акупунктур нуқта мавжуд. Бу нуқталар, сийдик йўллари энергия оқими билан мияга боғланган. Бу нуқталар доимий равишда тайёр мато (памперс) билан алоқада ва кир ичида бўлиши чақалоқнинг миясига ва ахлоқига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, ўғил болаларнинг жинсий аъзоларида ҳарорат ошиб, варикоз юзага келиши ва шу сабабдан кўпайиш қобилияти йўқолиши мумкин.

Қуръони Каримда “Ҳайвонларда сизлар учун ибратлар бор”, дейилган. Ҳайвонларга эътибор берсак, мушуклар ўз болаларининг анусларини ялаб, уларнинг ҳожатга чиқиш рефлексини уйғотишини, болаларини назорат остида ҳожатга чиқаришга ўргатишини ҳамда анус атрофларини кирлашишдан сақлашини кузатишимиз мумкин.

Она мушукнинг бундай ялашларида куйидаги фойдалар бор: думбадаги ва сийдик йўллари, жинсий аъзолар ва мия билан боғлиқ бўлган акупунктур нуқталардан мия уйғонади, энергия ва қон айланиши саломатлиги сақланади. Ҳайвонларнинг аксарияти шу ишни қилади ва шу тарзда болаларининг соғлом, тартибли ва итоткор бўлишини таъминлашади.

Биз эса чақалоғимиз ҳар сафар ҳожатга чиққандан кейин унинг думбасини ювишимиз, қуритишимиз, зайтун ёғи билан ёғлашимиз ва қуруқ пахта мато боғлашимиз керак.

### Чақалоқни ювинтириш

Чақалоқларни киндиклари тушгандан кейинги 40 кун давомида кунига 1-2 марта ювинтириш яхшидир. Бир тоғорага иссиққа яқинроқ илик сув солинади. Сувнинг иссиқлигини қўл билан эмас, тирсак ботириб кўриш керак. Чақалоқнинг юзидан ташқари жойлари матога ўралади, бошқа мато парчасидан бошининг тагига ётиқ қилиб, сувнинг ичига ётқизилади ва тоғорадаги сув чақалоққа оз-оздан тўкилади. Юзига сув тўкилмайди.

Сув совуса, ҳар 2-3 дақиқада бир тоғорага иссиқ сув солиб, сувнинг илиқлиги сақланади. Бу ҳолатда иссиқ сув болага тушмаслиги учун бир қўл билан чақалоқ муҳофаза қилинади.

Болани ухлашидан 10-15 дақиқа олдин чўмилтириш мумкин. Мочалка, совун ва шампуннинг ҳеч кераги йўқ, чунки тери юзидаги микроблар терини тозалайди, порлатади, соғлом тутайди. Совун ва шампун эса уларни артиб ташлайди. Ювиниш сувига ҳафтада бир марта бир ош қошиқ тош тузи қўшилиши мумкин.

Чақалоқни чўмилтиришдан чиқариб, қуригандан кейин аввал қорнининг устига, сўнгра чалқанчасига ётқизиб, бошига, бўйнига ва баданига зайтун ёғи суртилади ва массаж қилинади. Қўлларини тирсакларидан ушлаб, майин ва секин уйқаштириб, тиззаларига теккизилади. Кети кўрсаткич бармоғи билан босилади, сийдик пуфагининг усти ҳовуч учидан энгил массаж қилинади. Тоза бир мато билан ортикча ёғ артиб ташланади. Кейин бурун тешикларига 1 томчи, қулоқларига 3 томчи зайтун ёғи томизилади ва қулоқ тешиги тозаланади. Ёки она чақалоқнинг бурни ва қулоқларига ўзининг сутини соғайди ва қулоқ ичини тозалайди.

Ҳар сафар чўмилтиргандан кейин ёғоч ёки суяк тароқ билан чақалоқнинг бошини тараш боланинг соғлиги учун жуда фойдалидир.

Болаларнинг уйқуда қиладиган ҳаракатлари уларни уйқудан уйғотиб юборади ва кўрқитади. Шу сабабдан уларни 3-4 ой давомида йўргаклаш керак.

### Болалар касалликлари: Қусиш

Замонамиз оналари чақалоғининг ортикча қусишидан шикоят қилади. Ҳолбуки, чақалоқ ҳеч қачон ортикча қусмайди, қанча эҳтиёжи бўлса, шунча қусайди.

Чақалоқ ё меъеридан кўп эмган сутининг ортикчасини қусайди ёки сут онанинг кўкрагида кўп туриб қолиши ёки она дори ё кимёвий модда истеъмол қилиши натижасида бузилган сутни қусайди.

Табиий озуқалар билан овқатланадиган чақалоқнинг истаклари ҳам табиий бўлади. Ундай бола ўзининг мизожига зарар берадиган овқатлардан юз ўгиради, оғзига олмайди. Оғзига олса, тупуриб ташлайди. Бундай бола эҳтиёжидан ошқоч емайди. Ортикча овқатни ҳам, мизожига тўғри келмаган, зарарли ёки ҳазм бўлмайдиган овқатни ҳам қусайди.

Қусиш зарарли овқатдан қутилишнинг энг қисқа, энг хавфсиз ва самарали йўлидир. Соғлом болаларнинг, хусусан “А” ва “АВ” қон гуруҳларига мансуб бўлган болаларнинг ҳимояланиш тизими қусиш қобилиятини умр бўйи муҳофаза қилади.

Аммо атрофдаги катталар боланинг табиий истакларини ўзининг истакларига мос, боланинг фитратига (табиати) тўғри келмайдиган истакларига ўхшатишга ва қусишни дори билан тўхтатишга ҳаракат қилишади. Вақт ўтиши билан мижози ўзгариб бошлайди ва қусиш қобилияти йўқолади.

Қусиш қобилияти йўқолганда оғиз, ошқозон ва ичаклардаги дастлабки ҳазм тизими бузилиб бошлайди. Ушанда муҳофазанинг иккинчи усули – “ич кети-

ши” – ишга тушади. Энди вужуд мижозга уйғун бўлмаган моддаларни ич кетиши орқали ташқарига чиқаришга ҳаракат қилади.

Ич кетишини антибиотиклар билан даволаш ошқозон, ичак, жигар касалликларига ва барча бошқа касалликларга йўл очади. (“Касалликларнинг бошланиши ва ривожланиши”, “Дорилар”, “Соғлиқни сақлаш учун асосий тавсиялар” бўлимларига қаранг).

### Ич кетиши (диарея)

Ич кетишидан кўрқиб нотўғри, чунки ич кетиши ҳеч қандай хавф туғдирмайди. Ич кетиши организмнинг ичак йўли орқали зарарли нарсалардан тозаланишидир. Шунинг учун ич кетишини дарров тўхтатишга ҳаракат қилиш керак эмас. Бу ҳолатда энг аввало қуйидагилар қилинади:

Болага 2-3 кун ҳеч қандай овқат берилмайди.

Ич кетиши тўхтаганда болага ҳар куни эрталаб асал сиропи ичирилади. Очикқанда мавсумига қараб, лимон, олхўри, олма, олча, тарвуз, узум, анор суви сув билан аралаштириб ичирилади. Кечга яқин табиий асал ёки қатик билан қайнатилган гуруч берилади.

Болани кунига бир мартадан кўп пиширилган овқат истеъмол қилишга ўргатмаслик керак.

Эмизикли чақалоқнинг ичи кетса 2 кун давомида эмизилмайди.

Икки кун давомида арпободиён чойи ёки қоразира чойи табиий асал сиропи билан яримга-ярим қилиб аралаштириб берилади.

4-6 ойлик чақалоққа кунига кўпи билан 1 десерт қошиқ, 8-10 ойлик чақалоққа кўпи билан 1 ош қошиқ асал берилиши мумкин.

Она эса бу 2 кунни лимон, грейфрут, олма, анор, исмалоқ, семизўти ёки сабзи суви ва арпободиён чойини ичиб ўтказиши, сутини тартиб билан соғиб ташлаши керак.

Ич кетиши тўхтагандан кейин чақалоқни эмизиб бошлаш мумкин, фақат она ўзи ейдиган нарсаларга эътиборли бўлиши лозим.

Касалланган чақалоқ 4 ойдан кичик бўлса

2-3 кун давомида кунига 2 марта 1 чой қошиқ асал билан тайёрланган 100 гр. асал сиропи; 4 марта 100 грамм сувга 10-15 грамм лимон суви берилади. Бу муддат ичида чақалоқ эмизилмайди.

### ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
[www.uzxalqharakati.com/erkinyurt](http://www.uzxalqharakati.com/erkinyurt)  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
**Камолитдин Йўлдош**